

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**5-сон**  
**(869)**  
**2019 йил**  
**4 февраль**

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Иккинчи бўлим*

83. «Инвестиция ва ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 январдаги ПФ-5643-сон Фармони
84. «Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик вазифалари амалга оширилиши самарадорлиги учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъулиятини оширишга доир биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 январдаги ПФ-5644-сон Фармони
85. «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 январдаги ПҚ-4135-сон қарори [Кўчирма]
86. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ишини ташкил этишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 январдаги ПҚ-4136-сон қарори [Кўчирма]
87. «Сиёсий фанлар соҳасида кадрларни тайёрлаш, фундаментал ва ама-

лий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 январдаги ПҚ-4139-сон қарори

### *Учинчи бўлим*

88. «Ер участкалари бериш ва яқка тартибдаги уй-жой қуриш учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилишнинг замонавий ва шаффоф механизмларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 январдаги 63-сон қарори
89. «Ўзбекистонда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш ва аҳолини жисмоний тарбия ва оммавий спортга жалб этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 29 январдаги 65-сон қарори
90. «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 январдаги 66-сон қарори

### *Бешинчи бўлим*

91. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2018 йил 26 декабрдаги 17-мх-сон «Ўқувчиларни синфдан синфга ва бир умумий ўрта таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 29 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2684-1*)
92. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 15 январдаги 01-02/15-3-сон «Олиб чиқиладиган товарларнинг божхона қиймати декларациясини тўлдириш бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 29 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1803-2*)
93. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 31 январдаги 54-мх-сон «Медиаторларни тайёрлаш дастурини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 31 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3134*)  
Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2019 йил 26 январдан 1 февралгача бўлган маълумот

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## 83 Инвестиция ва ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\*

Мамлакатимизда инвестиция иқлимини яхшилаш, экспорт салоҳиятини ошириш, бизнесни жадал ривожлантириш учун асос сифатида инвестиция ва ташқи савдо фаолиятини самарали тартибга солиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, инвестиция жараёнининг маҳсулотни ташқи бозорларда илгари суриш якуний кўрсаткичлари билан суғулланганлиги сақланиб қолмоқда. Давлат бошқарувининг амалдаги тизими инвестиция ва савдо масалаларини алоҳида тартибга солишга асосланган, бу эса мазкур соҳаларда ташкилий-ҳуқуқий механизмларни қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Республиканинг инвестиция салоҳиятини ошириш, иқтисодийнинг устувор соҳа ва тармоқларига инвестицияларни жалб қилиш, инвестиция киритиш жараёнининг рақобатбардош экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан ўзаро боғлиқлигини таъминлаш ҳамда 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. Қўйидагилар инвестиция ва ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштиришнинг муҳим йўналишлари этиб ҳисоблансин:

биринчи — рақобатбардош экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш мақсадида маҳаллий ва хорижий тадбиркорларга Ўзбекистоннинг устувор соҳа, тармоқ ва ҳудудларига инвестиция киритиш учун қулай инвестиция иқлими ва рағбатларни яратиш, шунингдек, ҳар бир давлат органи томонидан инвестицияларни фаол жалб қилиш ва савдони ривожлантиришга қўмаклашиш борасидаги вазифаларнинг сўзсиз бажарилиши;

иккинчи — мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларини ҳал қилиш учун давлат молиявий воситалари, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг қарз ресурслари ва техник қўмаклашиш воситалари (грантлари)дан фойдаланиш

---

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 30 январда эълон қилинган.

самарадорлигини оширишга имкон берувчи марказлашган инвестицияларнинг бошқарув тизимини яратиш;

учинчи — Ўзбекистон Республикасининг халқаро нуфузини яхшилаш, мамлакатнинг иқтисодий тармоқлари ва ҳудудларини жадал ривожлантиришни таъминлаш, илғор технологияларни трансфер қилиш учун хорижий, шу жумладан тўғридан-тўғри инвестицияларни кенг жалб қилиш, ишбилармонлик ва инвестиция иқлимини босқичма-босқич такомиллаштириш;

тўртинчи — республиканинг иқтисодий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда давлат органлари ва тадбиркорлик субъектларининг хорижий инвесторлар, савдо бўйича ҳамкорлар, хорижий ҳукумат ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро самарали алоқаларини таъминлаш;

бешинчи — барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида оптимал божхона-тариф сиёсатини амалга ошириш, Жаҳон савдо ташкилотига интеграциялаш, бошқа кўп томонлама савдо-иқтисодий тизимлар билан ҳамкорлик қилиш;

олтинчи — экспорт қилувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, савдо, шу жумладан ташқи савдо инфратузилмасини, электрон тижорат тизимини босқичма-босқич ривожлантириш, мазкур соҳадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш;

еттинчи — маҳаллий товарлар ва хизматларнинг ташқи бозорларга чиқиши учун қулай шарт-шароитларни яратиш, самарали транспорт йўлакларини шакллантириш, етказиб бериш географиясини диверсификация қилиш мақсадида замонавий логистика тармоқларини ривожлантириш;

саккизинчи — ташқи бозорларда маҳаллий товарларнинг рақобатбардошлигини ошириш учун маҳсулотни сифат жиҳатдан бошқаришнинг замонавий тизимларини кенг жорий қилишни ҳамда уларнинг халқаро стандартлар ва техник регламентлар талабларига мувофиқлигини таъминлаш, савдонинг барқарор ўсиши ва инвестиция сиёсатини фаоллаштиришни таъминловчи илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш.

## 2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси негизда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик);

Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлигининг ваколатли вакиллари ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг тегишли ҳудудий бўлинмалари негизда Вазирликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар (шаҳарлар)даги ҳудудий бўлинмалари ташкил этилсин.

Белгилансинки, Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан, халқаро шартномалари бўйича ҳуқуқий вори ҳисобланади.

## 3. Белгилаб қўйилсинки, Вазирлик:

ягона давлат инвестиция сиёсатини амалга ошириш, хорижий, биринчи навбатда, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишни мувофиқлашти-

риш, халқаро молия институтлари (бошқарув офислари) ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш, шунингдек, ташқи савдо ва халқаро иқтисодий ҳамкорлик соҳасида ягона давлат сиёсатини шакллантириш ва мувофиқлаштириш учун масъул ваколатли давлат органи ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги томонидан ишлаб чиқиладиган ўрта муддатли инвестиция сиёсати стратегияси ва Ўзбекистон Республикасини 2030 йилгача ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепцияси асосида ҳудудлар ва тармоқларнинг ривожланиш концепцияларини ишлаб чиқишни мувофиқлаштиради;

мамлакатнинг ташқи иқтисодий манфаатларини илгари суриш, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолияти иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш доирасида вазирлик ва идоралар, шунингдек, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда экспортни қўллаб-қувватлаш стратегиясини, шу жумладан, уни рағбатлантирувчи инструментларни ишлаб чиқади ва амалга оширилишини таъминлайди;

халқаро ва хорижий ҳукумат молия институтларининг жалб қилинадиган кредит ресурслари ва техник кўмаклашиш воситалари (грантлари)дан, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларидан, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари маблағлари ҳисобидан марказлашган инвестициялардан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади;

идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси, Давлат ветеринария кўмитаси, «Ўзстандарт» агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология назорати республика марказининг ички ва ташқи бозорлардаги савдо фаолиятига таъсир қилувчи чораларни қўллаш қисми бўйича ҳаракатларини қонунчиликда белгиланган тартибда мувофиқлаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда давлат органлари ваколатларининг инвестициявий, шунингдек, савдо фаолиятига таъсир этиш нуктаи назаридан хатловдан ўтказилишини таъминласин ва қўлланиладиган чораларни Вазирлик билан келишиш тартибини тасдиқласин.

4. Вазирликнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

ягона давлат инвестиция сиёсатини амалга ошириш, давлат ривожланиш дастурлари ва инвестиция дастурлари, шу жумладан, тармоқ ва ҳудудий инвестиция дастурлари ишлаб чиқилиши ва самарали амалга оширилишини мувофиқлаштириш;

хорижий инвестицияларни жалб қилиш ишларини мувофиқлаштириш, халқаро иқтисодий ва молия институтлари, хорижий ҳукумат молия ташқи-

лотлари билан икки томонлама ва кўп томонлама форматда ўзаро самарали ҳамкорликни амалга ошириш;

давлат органлари ва ташкилотларининг, Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳамда хорижий молия ва иқтисодий институтлардаги доимий вакилларининг, шунингдек, Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг хорижий муассасаларида ташқи иқтисодий фаолият масалалари билан шуғулланувчи ходимларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикасининг инвестициявий ҳамкорлик масалалари борасидаги халқаро шартномаларини тайёрлаш, келишиш ва имзолашда иштирок этиш;

инвесторлар билан доимий қайта алоқани йўлга қўйиш, инвестицияларни жалб қилишда худудлар ва маҳаллий компанияларга қўмаклашиш, инвестиция таклифларини ишлаб чиқишни ташкиллаштириш;

ташқи савдо соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, Экспортни қўллаб-қувватлаш миллий тизимининг самарали ишлашига қўмаклашиш ва таъминлаш, ташқи савдо фаолиятини тартибга солиш соҳасида давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

савдода тариф ва нотариф тартибга солиш чораларини қўллаш ҳамда электрон тижорат тартиб-таомилларини такомиллаштириш билан боғлиқ тадбирларни мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар билан савдо алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, товарлар, ишлар ва хизматлар экспортини қўллаб-қувватлаш;

Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш ва бошқа кўп томонлама иқтисодий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш жараёнларини мувофиқлаштириш;

улгуржи ва биржа савдоларини тартибга солиш масалаларини мувофиқлаштириш, бозор ҳолатини мониторинг ва таҳлил қилиш, маркетинг тадқиқотларини ўтказиш ва товарлар нархлари тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш;

ташқи савдо инфратузилмасини ривожлантириш, шу жумладан, транзит салоҳияти даражасини ошириш, логистика ва транспорт йўлақларини такомиллаштириш, шунингдек, экспорт маршрутларини диверсификация қилиш масалаларини илгари суриш.

##### 5. Белгилансинки:

Вазирлик инвестиция ва савдо фаолиятига, шу жумладан, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга салбий таъсир кўрсатадиган муаммоларни ўрганишни таъминлайди;

Вазирликнинг ўз ваколати доирасида қабул қилган ва норматив-ҳуқуқий хусусиятга эга бўлган қарорлари давлат органлари ва ташкилотлар, шунингдек, жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурийдир;

давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек, республиканинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари Вазирликнинг сўровига кўра тегишли маълумотларни ўрнатилган тартибда тақдим этади;

Вазирлик тегишли идораларнинг инвестиция циклининг ҳар бир босқи-

чида инвесторларга ҳамроҳлик қилиши, бюрократик кўринишларнинг олдини олган ҳолда юзага келаётган ташкилий масалаларни, шу жумладан, инвестициядан кейинги даврда ҳал қилиш бўйича музокаралар олиб боришини ташкил қилади;

давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, устав капиталида давлат улуши устун бўлган хўжалик юритувчи субъектлар ташаббуси билан қиймати 10 млн АҚШ долларидан ортиқ эквивалентдаги инвестицияларни жалб қилиш соҳасидаги келишувлар Вазирлик билан олдиндан келишилиши шарт;

давлат органлари ва ташкилотларга инвесторлар, шунингдек, инвестиция иштирокидаги ташкилотлардан келиб тушган мурожаатларнинг Вазирлик томонидан мониторинг қилиш учун уларнинг нусхалари мурожаатлар келиб тушган кундан бошлаб бир кун муддатда «Инвестиция портали»га жойлаштирилади;

Вазирлик доимий асосда инвесторлар мурожаатлари тўғрисидаги маълумотларнинг умумлаштирилишини таъминлайди ва инвесторларнинг, шу жумладан, салоҳиятли инвесторларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритади;

инвестициялар, савдо ва иқтисодий тартибга солиш масалаларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий тартибда Вазирлик билан келишилиши лозим.

6. Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда икки ой муддатда:

а) ваколатли давлат органлари ва ташкилотларда, уларнинг ҳудудий бўлинмаларида қуйидагиларни амалга ошириш имконини берувчи замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича таклиф киритсин:

инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши, инвесторлар мурожаатларининг ўз вақтида кўриб чиқилишини назорат қилиш, тегишли тармоқ ёки ҳудуднинг инвестиция салоҳияти тўғрисидаги статистик маълумотлар ва ахборотларни тизимлаштириш;

давлат органлари ва ташкилотларига келиб тушган инвесторлар ва инвестиция иштирокидаги ташкилотлар мурожаатларининг кўриб чиқилишини мониторинг қилиш;

б) 2019 йил 1 мартга қадар «Инвестиция портали»да инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, инвесторлар мурожаатларини кўриб чиқиш натижаларининг марказлашган маълумотлар базасини ишлаб чиқсин ва жорий қилсин;

в) Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими негизида ташқи савдо статистикасини ҳисобга олиш, мониторинг ва таҳлил қилиш бўйича автоматлаштирилган ахборот тизимини ишлаб чиқсин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, Вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари, шу жумладан, вақтинча бўш турган бюджетдан ташқари ва қарз маблағларини тижорат банклари депозитларига жойлаштиришдан олинadиган даромадлар, кўрсатилган хизматлардан олинadиган даромадлар ҳамда қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар Вазирлик фаолиятини молиялаштириш, унинг ходимларини рағбатлантириш (иш ҳақи, мукофотлар, устамалар ва бошқа мукофот пулларини тўлаш) манбалари ҳисобланади;

Вазирлик ходимларининг меҳнатига бюджетдан ташқари маблағлар ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ҳақ тўлаш шартлари Инвестициялар ва ташқи савдо вазири томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади.

8. Вазирликка халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат молия ташкилотлари ва донор мамлакатлар иштирокидаги инвестиция лойиҳалари доирасида ташкил этилган ва фаолият юритаётган лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳлари ходимларини, шунингдек, инвестициявий лойиҳаларнинг ташаббускорлари бўлган вазирлик, идора, хўжалик бирлашмалари мутахассисларини инвестиция циклининг барча босқичларида инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга ошириш жараёнларига жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Вазирлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

ушбу Фармон талабларидан келиб чиққан ҳолда, давлат органлари ва ташкилотларининг инвестиция ва савдо соҳасидаги вазифалари, функциялари ва ваколатларини қайта кўриб чиқиш бўйича таклифларни;

Вазирлик фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини;

қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни киритсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.М. Фаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 28 январь,  
ПФ-5643-сон



Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2019 йил 28 январдаги  
ПФ–5643-сон Фармонига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини  
йўқотган деб эътироф этилаётган айрим ҳужжатлари  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ–4996-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 апрелдаги «Ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5012-сон Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2868-сон қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2887-сон қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3542-сон қарори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**84 Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик вазифалари амалга оширилиши самарадорлиги учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъулиятини оширишга доир биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида\***

Ўтган икки йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг устувор вазифаларини бажариш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари тизимини тубдан ислоҳ қилиш, ислохотларни чуқурлаштириш, макроиқтисодий барқарорликни сақлаб қолиш, асосий ижтимоий-иқтисодий параметрлар ва Давлат бюджетининг ижроси учун уларнинг масъулиятини ошириш таъминланмоқда.

Иқтисодиётда давлатнинг иштирокини қисқартиришга, давлат-хусусий шериклик принципларини ривожлантиришга, инвестиция сиёсатини фаоллаштиришга, экспорт салоҳиятини ва ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга, эркин тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларни олиб ташлашга йўналтирилган бир қатор комплекс дастурлар амалга оширилмоқда.

Ижтимоий соҳадаги қайта ўзгартиришлар диққат-эътибор марказида турибди. Айниқса, қишлоқ жойларда ва чекка ҳудудларда аҳолининг уй-жой-майиший шароитларини яхшилаш, комплекс инфратузилмани ривожлантириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича қабул қилинган қарорларнинг ижроси таъминланмоқда. Кўрилаётган чора-тадбирлар республика аҳолиси турли тоифаларининг моддий фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифати ошишига муайян даражада кўмаклашди.

Шу билан бирга, мамлакатни янада жадал ривожлантириш Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг амалдаги ёндашувлари ва иш усулларини қайта кўриб чиқиш зарурлигини, унинг фаолиятини ташкил этишнинг сифат жиҳатидан янги ва инновацион усулларини жорий этишни, давлат сиёсати амалга оширилиши ва бириктирилган соҳаларда аниқ натижаларга эришиш учун идоралар раҳбарларининг мустақиллигини оширишни тақозо этади.

Ҳукуматнинг ташкилий-штат тузилмасини тубдан қайта кўриб чиқиш, ҳужжатлар экспертизаси тартиботларини жиддий равишда содаллаштириш, қарорлар қабул қилишнинг тезкорлигини таъминлаш, чет элда кенг қўлланиладиган аниқ кўрсаткичларга эришишга ва мақсадли индикаторларга асосланган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар раҳбарлари фаолиятини баҳолаш тизимини жорий этиш талаб этилади.

---

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 30 январда эълон қилинган.

Ҳукумат ишини ташкил этишни тубдан такомиллаштириш, ижро этувчи ҳокимият органларининг замонавий талабларга жавоб берадиган сифат жиҳатидан янги тизимини шакллантириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатномасида белгилаб берилган вазифаларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда амалга оширилишини таъминлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимларининг шахсан эътибори мавжуд камчиликларнинг қатъиятлик билан бартараф этилиши зарурлигига, «Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак» деган асосий принцип ўз вақтида, аниқ ва тўлиқ ҳажмда амалга оширилишига қаратилсин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (кейинги ўринларда — Вазирлар Маҳкамаси/Ҳукумат) фаолиятини тубдан такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали ва натижали ижро этилишида Ҳукумат аъзолари, ижро этувчи ҳокимият бошқа органлари раҳбарлари, барча даражалардаги ҳокимларнинг шахсий роли ва масъулиятини ошириш;

идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилишнинг аниқ тизимини жорий этиш орқали вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бириктирилган соҳада давлат сиёсати самарали ва сифатли амалга оширилишида, шу жумладан, молиявий ресурсларни бошқариш масалаларида мустақиллигини ошириш;

аниқ кўрсаткичларга ва мақсадли индикаторларга эришишга асосланган барча даражалардаги ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг раҳбарлари фаолиятини баҳолашнинг принципиал жиҳатдан янги тизимини жорий этиш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани стратегик ривожлантиришнинг яқин, ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган дастурларини амалга ошириш сифати ва самарадорлигини таъминлаш;

худудларни, энг аввало, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишда орқада қолаётган қишлоқ туманлари ва шаҳарларни ривожлантиришнинг истиқболли вазифаларини самарали ҳал этиш бўйича давлат бошқаруви ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мувофиқлаштирилган ишини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари ва ҳужжатлари ижросини тизимли ва амалий назорат қилишни такомиллаштириш;

давлатнинг иқтисодий фаолиятдаги иштироки тартиби ва даражасини аниқ регламентлаш орқали иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсир кўрсатишни янада қисқартириш ва бошқарувнинг бозор механизмларини кенгайтириш, «хуфёна иқтисодиёт»нинг олдини олиш, пасайтириш ва тизимли қарши курашиш юзасидан комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

комплекслар, Бош вазир ўринбосарлари ва Вазирлар Маҳкамасининг аппарати, энг аввало, унинг асосий бўғини — ахборот-таҳлил департаментлари тузилмасини такомиллаштириш ва ихчамлаштириш. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизаси сифатини яхшилаш, ижро интизоми даражасини ошириш, кўп сонли йиғилишлар, ортиқча ёзишмалар ва самарасиз хизмат сафарлари амалиётига чек қўйиш;

ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини мавжуд муаммоларнинг сабаблари ва шароитларини бартараф этишга, ишни ташкил этишнинг замонавий усулларини жорий этишга доир комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга қайта йўналтириш мақсадида айрим давлат функцияларини хусусий субъектларга бериш орқали ортиқча маъмурий тартибга солишни камайтириш;

давлат бошқарувини номарказлаштириш, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг молиявий имкониятлари, роли ва жавобгарлигини кенгайтириш, марказий ва ўрта бўғин бошқарув ходимлари сонини ихчамлаштириш орқали бошқарувнинг вертикал тизими механизмларини ва ижро этувчи ҳокимият органларининг ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш.

3. 2019 йил 1 апрелдан бошлаб:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари, вазирлар ва давлат қўмиталари раислари лавозимларига номзодлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан маъқулланиши;

барча даражадаги ижро этувчи ҳокимият органлари ва улар раҳбарлари фаолиятини аниқ кўрсаткичларга эришишга ва мақсадли индикаторларга, иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва бошқа соҳаларни стратегик ривожлантиришнинг яқин, ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган дастурлари амалга оширилиши сифати ва самарадорлигига асосланган ҳолда баҳолаш;

аниқ соҳалар ва йўналишларда амалга оширилаётган ислохотларни ўрганиш мақсадида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, давлат бошқаруви ҳудудий органлари раҳбарлари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида ҳудудларда Ҳукуматнинг мавзули кўчма (очик) мажлисларини тизимли асосда ўтказиш тартиби жорий этилсин.

Белгилансинки, 2019 йил 1 апрелдан бошлаб:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари, вазирлар ва давлат қўмиталари раислари лавозимларига номзодларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида кўриб чиқиш ва маъқуллаш жараёнида улар Вазирлар Маҳкамасининг ҳаракатлар дастури билан ўзаро боғлиқ бўлган истиқболга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар ва вазифаларга эришиш борасида ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, ташкилий-техник чора-тадбирларни назарда тутувчи ҳаракатлар режаларини тақдим этадилар;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ҳукуматнинг бошқа аъзола-

ри билан биргаликда ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасидан келиб чиқадиган тегишли йилга мўлжалланган давлат дастурининг амалга оширилиши тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

4. Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов қўйидаги тартиби ва механизмига доир аниқ таклифларни пухта ишлаб чиқсин ва 2019 йил 1 мартга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига тақдим этсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарларини, вазирлар ва давлат қўмиталари раисларини фақат Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан маъқулланганидан кейин тайинлаш;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири томонидан Ҳукуматнинг бошқа аъзолари билан биргаликда ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасидан келиб чиқадиган тегишли йилга давлат дастури амалга оширилиши тўғрисида ҳисобот тақдим этилиши;

барча даражалардаги ижро этувчи ҳокимият органлари ва улар раҳбарларининг фаолиятини аниқ кўрсаткичларга эришишга ва мақсадли индикаторларига, иқтисодиёт тармоқларини, ижтимоий соҳани ва бошқа соҳаларни стратегик ривожлантиришнинг яқин, ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган дастурлари амалга оширилиши сифати ва самарадорлигининг асосланган ҳолда баҳолаш.

5. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчилари, вазирлар, давлат қўмиталари раислари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Вазирлар Маъкамаси Раёсатининг аъзолари ҳисобланадилар.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини амалга ошириш доирасида давлат бошқарувининг 93 та органи ислоҳ қилинганлиги, шу жумладан, 77 та вазирлик ва идора қайта ташкил этилганлиги, 7 таси тугатилганлиги, 9 таси янгидан ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини амалга ошириш бўйича комиссия раиси А.Н. Арипов қўйидагиларга алоҳида эътибор берган ҳолда, 2019 йил 1 майга қадар вазирликлар, давлат қўмиталари, Ҳукумат тузилмасига кирувчи идоралар ҳамда хўжалик бошқаруви органларини янада ихчамлаштириш ва фаолиятини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини назарда тутувчи таклифларни тайёрласин ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин:

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар фаолиятининг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, уларнинг вазифа-

лари, функциялари ва ваколатларини, уларни амалга ошириш механизмларини ва ваколатли шахслар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда ҳокимликларнинг жавобгарлиги соҳаларини белгилаш ва аниқ чегаралаш, мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлик жараёнларини таъминлаш;

давлат бошқаруви тизимига стратегик режалаштириш ва прогнозлаштиришнинг замонавий шакллар, усуллар ва тамойилларни, шу жумладан, «рақамли иқтисодиётни», инновацион гоёлар, ишланмалар ва технологияларни жорий этиш;

давлат бошқаруви органлари, жойларда ижро этувчи ҳокимият органлари ва бизнеснинг ўзаро ҳамкорлиги механизмларини такомиллаштириш, ушбу йўналишда давлат-хусусий шериклик асосларини фаол жорий этиш ва илгор хорижий тажрибадан фойдаланиш;

профессионал давлат хизматининг самарали тизимини шакллантириш, бюрократия, қоғозбозлик ва кўп сонли йиғилишларга чек қўйишнинг амалий механизмларини жорий этиш, шунингдек, суниестемолларга ва бошқа салбий ҳолатларга қарши курашиш.

7. Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан биргаликда уч ой муддатда:

а) янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини киритсин, шу жумладан, унда қуйидагилар назарда тутилсин:

Ҳукуматнинг ваколатларини, уларни амалга ошириш механизмларини аниқ тартибга солиш ва иқтисодий, молиявий, пул-кредит, инвестиция, ижтимоий, маданий-гуманитар, таълим, илм-фан, соғлиқни сақлаш, экология ва бошқа соҳаларда ҳамда жорий вазиятни комплекс таҳлил қилиш асосида ташқи иқтисодий ва ташқи сиёсий фаолиятда чуқур ва таркибий қайта ўзгартиришлар амалга оширилиши ва яқин, ўрта ва узоқ муддатли истиқболда уларни стратегик ривожлантириш моделлари ишлаб чиқилиши учун унинг масъулиятини ошириш;

Вазирлар Маҳкамаси аъзоларининг ваколатларини ва уларнинг жавобгарлигини белгилаш;

Ҳукуматнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва ҳарбийлаштирилган тузилмалар, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва сиёсий партиялар билан ўзаро ҳамкорлиги масалалари;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларини ўтказиш, уларнинг яқунлари бўйича қарорлар қабул қилиш регламенти, шунингдек, мажлисларни ўтказиш давомида кўриб чиқиладиган аниқ масалалар рўйхатини белгилаш;

Ҳукумат аъзоларини ва Вазирлар Маҳкамаси аппарати ходимларини моддий ва ижтимоий таъминлаш масалалари;

б) «Стратегик режалаштириш тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини киритсин, шу жумладан, унда қуйидагилар назарда тутилсин:

иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани ривожлантиришни назар-

да тутувчи яқин, ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган комплекс дастурларни (кейинги ўринларда — ривожлантириш комплекс дастурлари) ишлаб чиқиш механизмлари ва тартиби;

ривожлантиришнинг комплекс дастурларини ишлаб чиқишда давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг иштироки ва ўзаро ҳамкорлиги, уларни таҳлил қилишни, мониторинг олиб борилишини ва пировард ижросини ташкил этиш;

қабул қилинган ривожланишнинг комплекс дастурларини ҳар йили қайта кўриб чиқилишини, кейинчалик уларга глобал ва минтақавий ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ўзгариши ҳисобга олинган ҳолда тузатишлар киритилишини назарда тутувчи мазкур дастурларни таҳлил қилишнинг самарали механизмини жорий этиш;

в) қуйидагиларни:

давлат бошқаруви ва ижро этувчи ҳокимият органлари тизимини янада ихчамлаштиришни;

хусусий секторга берилаётган давлат органлари функцияларининг аниқ рўйхатини тасдиқлаш, бунда ушбу соҳада ишларнинг ҳолатини пухта хатловдан ўтказган ҳолда ҳамда берилаётган функциялар лозим даражада бажарилиши устидан давлат назорати механизмларини жорий этишни;

иқтисодий жараёнларда давлатнинг иштирокини тубдан қисқартиришни назарда тутувчи таклифлар киритсин;

г) вазириликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқарувининг органлари ходимларининг меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини халқаро стандартлар ва нормаларга мувофиқ меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини миқдорларини меҳнат натижалари, бажариладиган меҳнат функцияларининг мураккаблиги ва жавобгарлиги билан чамбарчас боғлиқ ҳолда такомиллаштиришни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасида баён қилинган топшириқларнинг самарали ижро этилишини таъминлаш юзасидан яқин, ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг энг муҳим ва устувор йўналишлари бўйича концепциялар, дастурлар ва «йўл хариталари» амалга оширилишини назарда тутувчи комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилганлиги ва тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурини амалга оширишда қуйидаги устувор вазифаларга алоҳида эътибор қаратсинлар:

биринчи, Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепциясини, тегишли тармоқ ва ҳудудий комплекс

дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари билан тасдиқланган устувор дастурларни самарали амалга ошириш;

иккинчи, асосий халқаро рейтинглар ва индексларда Ўзбекистон Республикаси позицияларини яхшилаш бўйича Ҳукумат, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари иши самарадорлигини ошириш соҳасида комплекс чоратадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

учинчи, ҳар томонлама асосланган ўрта муддатли истиқболга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси инвестиция сиёсати стратегиясини пухта тайёрлаш, хорижий инвестицияларни, энг аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш механизмлари ва кафолатларини янада такомиллаштириш, хорижий ва маҳаллий инвесторларга тақдим этиш учун «инвестиция портфели»ни ишлаб чиқиш, «инвестициявий ҳаблар» ташкил этиш ва республикада эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолият кўрсатиши учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш;

тўртинчи, «халқ билан мулоқот» амалиётини такомиллаштириш ва Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти ҳамда Ҳукумат аъзоларининг жойлардаги шахсан учрашувлари асосида қўйидагиларни кафолатлайдиган комплекс чоратадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш:

ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, шу жумладан, бандликни таъминлаш ва аҳолининг реал даромадларини ошириш, соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, илғор инновацион ғоялар ва технологиялар асосида таълим ва илм-фан тизимини янада ривожлантириш;

маданият, спорт ва туризм соҳасида аниқ чора-тадбирларни фаоллаштириш, ёшлар билан ишлаш бўйича давлат дастурининг амалга оширилишига тузатишлар киритиш;

аҳолини, шу жумладан, реновация асосида замонавий ва арзон уй-жой, шунингдек, ишончли транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма билан таъминлаш, Атроф муҳитни муҳофаза қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш;

бешинчи, хорижий мамлакатларга юқори ва олий даражалардаги ташрифлар яқунлари ҳамда халқаро иқтисодий ва молиявий институтларда эришилган ахдлашувлар бўйича тасдиқланган «йўл хариталари» амалга оширилишини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш.

9. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарларининг эътибори тегишли вазирликлар, идоралар, давлат ва хўжалик бошқаруви бошқа органларининг биринчи раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари лавозимларига муносиб, ўз ишини пухта биладиган ва замонавий фикрлайдиган номзодларни танлашга доир кадрлар билан ишлашнинг сусайтирилишига йўл қўйиб бўлмаслигига қаратилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан биргаликда 2019 йил 1 мартга қадар:

тегишли давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг бўш лавозимла-



рига, ушбу лавозимларга хотин-қизларни тавсия этишга алоҳида эътибор берган ҳолда, тайинлаш учун номзодлар захирасини пухта ишлаб чиқсин, асосласин ва кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдим этсин;

масъул лавозимларга хорижда яшаётган ватандошлар орасидан тажрибали менежерларни ва хорижий мутахассисларни тайинлаш амалиётини кенг жорий этсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ушбу Фармонда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли ижро этилишига доир ишларни самарали мувофиқлаштирсин, шунингдек, улар амалга оширилиши тўғрисида мунтазам равишда ахборот киритсин.

11. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг, шу жумладан, Ҳукумат фаолиятини ташкил этишни, унинг ташкилий-штат тузилмасини тасдиқлашни, Вазирлар Маҳкамаси аппарати иши самарадорлиги ва натижадорлигини оширишнинг асосий йўналишларини белгилашни назарда тутувчи қарори лойиҳасини киритсин.

Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 28 январь,  
ПФ-5644-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**85** Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи  
савдо вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида\***[Кўчирма]**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 январдаги «Инвестиция ва ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5643-сон Фармони ижроси юзасидан, шунингдек, чет эл инвестициялари кенг жалб этилишини таъминлаш ҳамда республиканинг ташқи савдо фаолиятини ривожлантириш бўйича ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) ҳузурида:

Идоралараро божхона-тариф кенгашини тугатган ҳолда Тариф ва нота-риф тартибга солиш кенгаши;

чет эл инвесторларини маълумотлар билан таъминлаш ва ҳуқуқий кўмак бериш, шунингдек, юзага келган муаммоларни ҳал этиш, зарурий ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича уларга хизмат кўрсатиш учун Хорижий инвестицияларни жалб этиш агентлиги;

махаллий хом ашё негизида юқори қўшилган қийматли рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун илғор хорижий технологияларни излаб топиш, жалб қилиш ва жорий этишга кўмаклашиш, илмий ишланмаларни экспертиза қилиш, уларнинг миқёсини кенгайтириш ва тижоратлаштиришнинг самарали тизимини яратиш, илғор технологияларни ишлаб чиқувчи ва жорий этувчи корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини шакллантириш мақсадида Технологик ривожланиш агентлиги ташкил этилсин.

Белгилансинки, Тариф ва нота-риф тартибга солиш кенгашининг таркиби 1-иловага\*\* кўра намунавий таркибга мувофиқ шакллантирилади.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг ташкилий тузилмаси 2-иловага\*\* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг марказий аппарати тузилмаси 3-иловага\*\* мувофиқ;

Вазирлик ҳузуридаги Хорижий инвестицияларни жалб этиш агентлиги, Экспортни рағбатлантириш агентлиги ҳамда Технологик ривожланиш агентлиги тузилмалари 4, 5 ва 6-иловаларга\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик, Хорижий инвестицияларни жалб этиш агентлиги, Экспорт-

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 30 январда эълон қилинган.

\*\* 1 — 6-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ни рағбатлантириш агентлиги ва Технологик ривожланиш агентлиги бошқарув ходимларининг чекланган сони 1 183 нафар, шу жумладан, Вазирликнинг марказий аппарати бошқарув ходимлари — 200 нафар этиб белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазирига:

зарур ҳолларда, бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сони доирасида Вазирлик марказий аппарати, Вазирлик ҳузуридаги Хорижий инвестицияларни жалб этиш агентлиги, Экспортни рағбатлантириш агентлиги ҳамда Технологик ривожланиш агентлиги тузилмасига ўзгартиришлар киритиш;

Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари тузилмаларини ва бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида уларнинг бошқарув ходимлари чекланган сонини тасдиқлаш;

Вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан бошқарув ходимларининг қўшимча штат бирликларини киритиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, етакчи лойиҳа институтлари, илмий ва таълим муассасалари, халқаро ташкилотлар, хорижий компанияларнинг юқори малакали мутахассисларини, шунингдек, экспертларни маслаҳатчи сифатида жалб қилиш;

малакали хорижий мутахассисларни ишга қабул қилиш ва уларга иш ҳақи миқдори ҳамда бошқа тўловларни чет эл валютасида белгилаш ҳуқуқи берилсин.

4. Белгилансинки:

Вазирлик ҳузуридаги Хорижий инвестицияларни жалб этиш агентлиги, Экспортни рағбатлантириш агентлиги ва Технологик ривожланиш агентлиги директорлари — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири тақдимномасига асосан;

Хорижий инвестицияларни жалб этиш агентлиги, Экспортни рағбатлантириш агентлиги ва Технологик ривожланиш агентлиги директорлари ўринбосарлари — Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири томонидан;

Қорақалпоғистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири, унинг ўринбосари — Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири билан келишган ҳолда;

вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар инвестициялар ва ташқи савдо бошқармалари бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари — вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири билан келишган ҳолда;

туманлар ва шаҳарлар инвестициялар ва ташқи савдо бўлимлари бошлиқлари — тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири, вилоятлар, шунингдек, Тошкент шаҳар инвестициялар ва савдо бошқармалари бошлиқлари тақдимномасига кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси инвестициялар

ва ташқи савдо вазири билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

5. Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда инвестиция шартномаларини тузиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни қайта кўриб чиққан ҳолда инвестиция шартномаларида хўжалик юритувчи субъектларни бозорда устун мавқега олиб чиқувчи алоҳида ҳуқуқ ва қоидалар киритилишига йўл қўймаслик бўйича аниқ механизмларини белгилаб берувчи намунавий инвестиция шартномалари ҳамда уларни тузиш ва имзолаш қоидаларини тасдиқласин.

6. Белгилансинки, 2019 йил 1 июлдан бошлаб инвесторлар билан ўзаро алоқалар «ягона дарча» тамойили асосида амалга оширилади, унинг доирасида салоҳиятли инвесторларга консултация бериш, уларнинг давлат хизматларидан фойдаланиши, шу жумладан, муҳандислик-коммуникация инфратузилмасига уланишида ёрдамлашиш, шунингдек, инвестиция шартномаларини тузишда кўмаклашиш борасидаги ишлар бажарилади.

Вазирлик икки ой муддатда инвесторлар билан «ягона дарча» тамойили асосидаги ўзаро ҳамкорлик қилиш тартибини, шунингдек, туманлар, шаҳарлардаги Вазирлик ходимларининг тегишли давлат хизматлари марказларига юборилишини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг инвестицияларни жалб қилиш ва ташқи савдони ривожлантириш учун масъул ўринбосарлари ҳар чоракда Вазирликка иқтисодиётнинг асосий соҳаларига тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ва илғор технологияларни жалб қилиш ва инфратузилмани ривожлантириш ҳамда халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг техник кўмаги воситалари (грантлари) ва имтиёзли кредитлари ҳисобидан лойиҳаларнинг амалга оширилиши бўйича қилинган ишлар тўғрисида тахлилий материаллар ва ҳисоботлар тақдим этади;

Вазирлик ходимлари учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан белгиланган тартибда ажратиладиган кўп йиллик хизматлари учун устамалар ва қўшимча тўловлар, шунингдек, аввалги иш жойида берилган махсус унвонлар, даражали унвонлар, дипломатик ва бошқа мартабалар сақлаб қолинади.

Вазирлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятининг жорий таъминоти ва молиялаштириш харажатлари (иш ҳақи, мукофотлар, устамалар ва бошқа тўловларни ўз ичига олган ҳолда) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг тегишли бюджетлари маблағлари ҳамда қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

Вазирлик ҳузуридаги Хорижий инвестицияларни жалб этиш агентлиги, Экспортни рағбатлантириш агентлиги ҳамда Технологик ривожланиш агент-

лиги ходимларига Вазирликнинг марказий аппарати ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя шарт-шароитлари жорий этилади;

Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари ходимларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 январдаги «Давлат бошқаруви ҳудудий органлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2722-сон қарорининг 1-бандида назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этилади.

9. Вазирлик томонидан маҳаллий ҳамда хорижий инвесторлар ва ташқи савдо фаолияти иштирокчилари учун ноқулай шароитлар мавжудлиги тўғрисида келиб тушган ахборотлар бўйича тезкор чоралар кўрилсин.

10. Вазирлик ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг: фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш объектларидан самарали фойдаланиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан биргаликда хусусий тадбиркорлик субъектларининг бўш турган ва қурилиши тугалланмаган объектлари ишлаб чиқариш фаолиятини тиклашга қаратилган инвестиция лойиҳалари («йўл хариталари»)ни ишлаб чиқиш бўйича идоралараро комиссиянинг ишчи органи функцияларини амалга ошириш;

Тадбиркорлик фаолияти асосларини ўқитиш республика маркази қошида ташқи савдо ва экспорт асослари бўйича бепул курсларни ташкил этиш ҳамда келгусида бундай курсларни тадбиркорликка кўмаклашиш марказларида ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Вазирлик, Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси ва бошқа масъул вазирлик ва идоралар ташқи савдо ва экспорт асослари бўйича курсларни ташкил этиш ва ўтказишда Савдо-саноат палатасига кўмаклашсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг давлат ривожланиш дастурларини молиялаштириш функциясини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига юклаган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини молиялаштириш жамғармасини 2019 йил 1 февралдан бошлаб тугатиш ва тугатилаётган Жамғарманинг 14 нафар бошқарув ходимларини ҳудудий молия органлари тузилмасига бериш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

а) бир ой муддатда:

ахборот-коммуникация технологияларининг замонавий имкониятларини жорий этишни таъминлаган ҳолда тан олинадиган мамлакатларда Ўзбекистон Республикаси маҳсулотларини ўзини ўзи сертификатлаш тизимини жорий этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг мансублик сертификатини расмийлаштириш функциясини Савдо-саноат палатасига бериш бўйича тадбирлар режасини тасдиқласин;

Вазирлик ходимларининг моддий таъминотини яхшилаш бўйича, жумладан, улар учун турар жойлар ва хизмат уйлари қуриш ва Вазирликни жойлаштиришни назарда тутувчи таклифлар киритсин;

б) уч ой муддатда экспорт маҳсулотларини тизимли равишда етказиб беришни ташкил этиш ва келгусида уларни минтақавий бозорларда сотиш мақсадида давлат-хусусий шериклиги асосида хорижда улгуржи-таксимлаш марказларини ташкил этиш бўйича чоралар кўрсин.

13. Вазирлик Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан биргаликда экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сертификатлаш, етказиб бериш ва сотиш масалаларига оид кўрсатувлар туркумини ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Вазирликни белгиланган тартибда телефон алоқаси, шу жумладан, ҳукумат алоқаси, Интернет тармоғига улаш ҳамда Вазирликнинг самарали ишлаши учун зарур бўлган дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқилиши ва жорий этилишини таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

ушбу қарор ижросини таъминлаш юзасидан Вазирлик харажатлари учун асосланган ҳисоб-китоблар бўйича 2019 йилга Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари доирасида маблағ ажратсин ва 2020 йилдан бошлаб зарур бюджет маблағларини кўзда тутсин;

30 та, шу жумладан, 25 та шахсий бириктирилган ва улардан 14 таси Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари учун мўлжалланган хизмат енгил автомобилларининг таъминоти учун лимит белгиласин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2019 йил учун тасдиқланган харажатлар сметасига ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб тегишли ўзгартиришлар киритсин.

16. Вазирлик:

а) 2019 йил 1 июнга қадар салоҳиятли инвесторларни қизиқтирувчи дастлабки ҳисоб-китобларга эга аниқ лойиҳалар ва бошқа маълумотларни кўрсатган ҳолда ҳар бир ҳудуднинг ишлаб чиқариш салоҳияти ва инвестиция ҳажмига бўлган эҳтиёжини ақс эттирувчи Ўзбекистон Республикасининг интерактив инвестициявий харитасини ишлаб чиқсин ва жорий қилинишини таъминласин;

б) бир ой муддатда:

Вазирликнинг марказий аппарати ва унинг ҳудудий бўлинмаларини зарур назарий билимлар ва амалий кўникмаларга эга, Вазирликка юклатилган вазифаларни профессионал даражада амалга ошириш қобилиятига эга бўлган юқори малакали кадрлар билан тўлдиришни;

Вазирликнинг таркибий ва қуйи бўлинмалари тўғрисидаги низомлар (уставлар), шунингдек, ходимларнинг лавозим йўриқномалари тасдиқланишини;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 17 октябрдаги ПҚ-3978-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган Мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчилар ахборот порталида республика ҳудудлари экспорт салоҳияти, истеъмол бозорлари ҳажми бўйича статистик ҳисоботлар, санитар ва фитосанитар

талаблар, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг мева-сабзавот маҳсулотлари бозорларига киришнинг бошқа шартлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган эркин фойдаланиш имконини берувчи электрон каталогнинг чоп этилишини;

Ўзбекистон Республикаси миллий маҳсулотлари брендини, жумладан, оммавий ахборот воситаларида танлов ташкил этиш орқали ишлаб чиқиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминласин;

в) Вазирлик, унинг бўлинмалари ва уларнинг раҳбарлари фаолиятини аниқ натижа ва мақсадли индикаторларга эришиш, ташқи савдо ва инвестицияларни ривожлантириш бўйича яқин, ўрта ва узоқ муддатли истикболларга мўлжалланган стратегия дастурлари сифатли ва самарали бажарилишини таъминлаш асосида баҳолашнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чораларини кўрсин;

г) Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари билан биргаликда доимий равишда ташқи бозорлар талабларини, жумладан, хорижий мамлакатлардаги ваколатли органларга доимий равишда сўровлар жўнатиш орқали ўргансин, хорижда юқори талабга эга маҳсулотлар рўйхатини шакллантирсин ва умумфойдаланиладиган шаклда жойлаштирсин;

д) ташқи бозорларни таҳлил қилиш натижалари асосида маҳсулотга бўлган талабни, тегишли мамлакатга етказиб бериш рентабеллиги ва бошқа хусусиятларни инобатга олган ҳолда маҳсулотларни экспорт қилиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва рухсатномалар олиш масалаларини ҳал этиш мақсадида мамлакатлар ва маҳсулотлар рўйхатини ҳар йили 5 январга қадар ваколатли органларга тақдим этилишини таъминласин;

е) тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

ўзаро ҳамкорликнинг аниқ ва самарали механизмларини ва бозорларда юзага келувчи вазиятларга ўз вақтида таъсир чорасини кўришни назарда тутувчи Вазирлик ҳузуридаги Тариф ва нотариф тартибга солиш бўйича Кенгаш фаолияти тўғрисидаги низомни;

Вазирликнинг бўлинмалари ва бошқа ваколатли органларининг мазкур соҳадаги ваколатларини аниқ белгилаган ҳолда, шунингдек, давлат бошқаруви ва маҳаллий ижро ҳокимияти органлари билан ҳамкорлигининг аниқ механизмларини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги тўғрисидаги низомни;

Вазирлик ҳузуридаги Хорижий инвестицияларни жалб этиш агентлиги, Экспортни рағбатлантириш агентлиги ва Технологик ривожланиш агентлиги тўғрисидаги низомларни;

қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни киритсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Вазирлик ва Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда «Ўзбек-озиковкатхолдинг» ХКни тугатиш чораларини кўрсин ва ушбу соҳада ўзини ўзи тартибга солувчи ташкилот тузиш бўйича таклифлар киритсин.

18. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республи-

каснинг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.М. Фаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 28 январь,  
ПҚ-4135-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**86 Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ишини ташкил  
этишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий  
этиш тўғрисида\***

**[Кўчирма]**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 январдаги «Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик вазифалари амалга оширилиши самарадорлиги учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъулиятини оширишга доир биринчи навбатдаги чоратадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5644-сон Фармонининг ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (кейинги ўринларда — Вазирлар Маҳкамаси/Ҳукумат) ижро этувчи тузилмасида:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари — иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳа комплекслари раҳбарлари лавозимлари, шунингдек, уларнинг аппаратлари (котибият);

Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаштириш, молия ва банк тизимларини ислоҳ қилиш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти;

мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш комплекслари, тармоқлари ва соҳалари бўйича ахборот-таҳлил департаментлари тугатилсин.

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 30 январда эълон қилинган.



2. Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи тузилмасига:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси молия вазири;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ёқилғи-энергетика соҳаси ва саноатнинг базавий тармоқларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозимлари киритилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бошқарув ходимларининг чекланган сони 178 нафар бўлган ижро этувчи тузилмаси 1-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига масалаларни тартибга солиш ва устувор вазифаларни ҳал қилишнинг муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда, зарурат бўлганда, Вазирлар Маҳкамаси ходимларининг умумий штатлари сони доирасида унинг ижро этувчи тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов бир ҳафта муддатда масъул вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларни бириктирган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси аппарати бўлинмалари тузилмасини келишиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига тақдим этсин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ҳукумат олдида қўйилган мақсадли вазифаларга эришишни таъминлаш мақсадида вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқаруви органлари фаолиятини умумий мувофиқлаштиради, юзага келган келишмовчиликлар бўйича келишилган қарорлар қабул қилади;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқаруви органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ҳужжатлари, парламент ва депутат сўровлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари бажарилиши мониторингини олиб боради, шунингдек, жойларда ишларнинг реал ҳолатини мунтазам ўрганади, иқтисодиётдаги ва ижтимоий соҳадаги муаммоларни ҳар томонлама таҳлил қилади ҳамда шу асосда стратегик ва устувор вазифаларни амалга ошириш юзасидан комплекс таклифлар ишлаб чиқади. Бунда

\* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

юкланган вазифаларни ҳал этишда уларнинг вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчилари улар ваколатига киритилган тегишли йўналишлар ва масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош вазирга таклифларнинг пухта ишлаб чиқилишини, экспертизадан ўтказилишини ва тайёрланишини таъминлайди, шунингдек, ушбу масалалар учун шахсан жавобгар ҳисобланади;

вазирлар, давлат қўмиталари раислари ва бошқа давлат бошқаруви органлари раҳбарлари Вазирлар Маҳкамасига киритилаётган таклифлар, таҳлилий ва бошқа ҳужжатларнинг, шу жумладан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ва ҳар томонлама ишлаб чиқилиши, шунингдек, уларни амалга оширишнинг пировард натижалари ва оқибатлари учун шахсан жавобгар ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчилари томонидан хўжалик жамиятлари ва компаниялар, шунингдек, давлат улушига эга бўлган бошқаташқилотлар фаолияти устидан бир вақтнинг ўзида раҳбарлик қилинишига йўл қўйилмайди;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

5. Қўйидагилар устувор вазифаларни тизимли равишда амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари ва Вазирлар Маҳкамаси аппарати ишлари самарадорлиги ва натижадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари этиб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарларининг, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарларининг функциялари ва ваколатларини, улар функцияларининг бир қисмини тегишли давлат бошқаруви органларига, шунингдек, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига беришни назарда тутган ҳолда тубдан қайта кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарларининг ва Вазирлар Маҳкамаси аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарларининг Ўзбекистон Республикаси Президентига киритиладиган таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг асосланганлиги, берилган топшириқлар ва қабул қилинган қарорлар амалга оширилиши самарадорлиги, шунингдек, тегишли фаолият соҳаларидаги эришилган натижалар учун шахсий масъулиятини ошириш;

Вазирлар Маҳкамаси аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва мутахассисларининг профессионал даражасини ошириш, барча бўғинларда ижро интизомини мустаҳкамлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, бошқарувнинг замонавий усулларини ва илғор хорижий тажрибасини жорий этиш;

Вазирлар Маҳкамаси ушбу бандни амалга ошириш юзасидан бир ой муддатда аниқ таклифлар киритсин.

10. Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ўн кун муддатда ушбу қарор талабларини бажариш юзасидан Ҳаракатлар режасини тасдиқласин, бунда қуйидаги топшириқларнинг бажарилишига алоҳида эътибор қаратсин:

а) Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчилари лавозимларига номзодлар юзасидан таклифлар киритиш;

б) Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг янгиланган штат жадвалини тасдиқлаш;

в) Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ўринбосарлари ва маслаҳатчиларининг, шунингдек, ушбу қарор билан киритилаётган бошқа лавозимларнинг функционал вазифаларини тасдиқлаш;

г) вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, таҳлилий ҳужжатларни ва бошқа масалаларни киритиш, кўриб чиқиш ва улар тўғрисида ахборот бериш, шунингдек, Ҳукумат, унинг Раёсати мажлисларини ўтказишни ташкил этиш ва уларнинг яқунлари бўйича қарорлар қабул қилиш муддатлари ва механизмларини ихчамлаштиришни назарда тутувчи Вазирлар Маҳкамаси Регламентини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиш, унда шу жумладан, қуйидаги тартибларни назарда тутиш:

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларини ўтказиш муддатларини кўрсатган ҳолда уларнинг кун тартибини шакллантириш;

Ҳукумат, вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқаруви органлари олдида қўйилган, шу жумладан, улар фаолиятининг самарадорлиги кўрсаткичларига ва мақсадли индикаторларига асосланган вазифаларнинг бажарилиши;

оммавий ахборот воситаларида ва бошқа манбаларда, шу жумладан, жойига чиққан ҳолда аниқ фактлар бўйича тегишли чоралар кўриш учун жамоатчилик фикрини ўрганиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан, Ҳукуматнинг қонунчилик ташаббуси тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиладиган қонунлар лойиҳаларини маъқуллаш;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ҳужжатлари, парламент ва депутат сўровлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқларининг самарали ижросини ташкил этиш, шунингдек, уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларини оммавий ахборот воситаларида ёритиш, ҳал этиладиган муаммолар муҳокамасига ва Ҳукумат фаолиятини баҳолашга жамоатчиликни жалб қилиш;

д) Вазирлар Маҳкамаси аппарати тўғрисидаги, унинг барча бўлинмалари функциялари, ваколатлари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва масъулиятини батафсил белгилаб берувчи низомни ишлаб чиқиш;

е) Ҳукумат фаолияти соҳаларидаги истиқболли лойиҳалар ва дастурларни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкор-

лик қилиш бўйича таклифларни келишиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиш;

ж) бугунги кун талабларини ҳисобга олган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси аппаратини иқтисодиёт, ижтимоий ва маданий-гуманитар соҳалардаги вазифаларнинг самарали бажарилишини юқори профессионал даражада таъминлашга қодир бўлган малакали мутахассислар билан тўлдириш.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати тузилмасини такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3825-сон қарорининг 6-бандидаги «Бош вазир, унинг ўринбосарлари, Аппарат бошқарувчиси ва унинг ўринбосарлари бундан мустасно» сўзлари чиқариб ташлансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлари 4-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 28 январь,  
ПҚ–4136-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2019 йил 28 январдаги  
ПҚ–4136-сон қарорига  
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини  
йўқотган деб ҳисобланаётган айрим қарорлари  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати тузилмасини такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3825-сон қарорнинг 2, 3, 8 ва 9-бандлари.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 декабрдаги

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4065-сон қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4101-сон қарори.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### **87** Сиёсий фанлар соҳасида кадрларни тайёрлаш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида\*

Сиёсий фанлар соҳасида кадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш, фуқаролик жамияти, миллий давлатчиликнинг сиёсий асосларининг шаклланиши ва ривожлантириш соҳасида комплекс тизимли тадқиқотлар олиб бориш, глобаллашув шароитида давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, шу асосда ижтимоий-сиёсий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ва дастурларни ишлаб чиқиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлигининг Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида (кейинги ўринларда — Университет) 2019/2020 ўқув йили учун қабул квоталарини:

«Сиёсатшунослик» бакалаврият таълим йўналиши бўйича 20 киши, шу жумладан, давлат гранти бўйича 5 киши.

«Амалий сиёсатшунослик» таълим мутахассислиги бўйича 10 киши, шу жумладан, давлат гранти бўйича 2 киши.

«Сиёсий фанлар» фани тармоғи ихтисосликлари бўйича таянч докторантурада 4 киши, ва докторантурада 2 киши миқдорида белгилаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Университетда «Сиёсатшунослик» кафедрасини (кейинги ўринларда — кафедра) тузиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Кафедра фаолиятининг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 30 январда эълон қилинган.

илфор хорижий тажриба ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш асосида сиёсатшунослик фанлари соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлашни таъминлаш;

жаҳон сиёсатидаги энг янги тренд ва йўналишларни ҳисобга олган ҳолда халқаро даражадаги илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш;

«Сиёсатшунослик» фани бўйича ўқув жараёнини мазмун жиҳатдан такомиллаштириш мақсадида янги авлод дарсликлари, ўқув қўлланмалари, ўқув дастурлари ва режаларини тайёрлаш;

Ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятда Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларини илгари суриш соҳасида Ташқи ишлар вазирлиги, бошқа вазирлик ва идоралар олдида турган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда таълим бериш, фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг юқори даражасини таъминлаш;

сиёсатшунослик, халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсати, халқаро иқтисодиёт ва менежмент, халқаро ҳуқуқ соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориш, уларнинг натижаларини ўқув жараёнига ҳамда тегишли ўқув режалари ва дастурларига татбиқ этиш;

сиёсий фанлар соҳаси иқтисодий сиёсатшунослик, сиёсий маркетинг ва менежмент, сиёсий социология ва бошқа инновацион йўналишларни ривожлантириш учун зарур бўлган методологик ва ўқув-технологик шарт-шароитларни яратиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2019/2020 ўқув йили бошлангунга қадар кафедранинг сиёсатшунослик соҳасидаги маҳаллий ва хорижий етакчи мутахассислар билан таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Университет таълим жараёнига хорижлик, шу жумладан, чет элда истиқомат қилаётган ватандошларимиз орасидан етакчи экспертларни жалб қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги давлат илмий-техникавий дастурлари доирасида сиёсатшунослик соҳасидаги тадқиқотлар учун грантлар ажратишни кўзда тутсин.

7. Ташқи ишлар вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Рес-

публикаси Президенти маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва ташқи ишлар вазири А.Ҳ. Камиллов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 29 январь,  
ПҚ-4139-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **88 Ер участкалари бериш ва якка тартибдаги уй-жой қуриш учун ер участкаларига мерос қилиб қолдири- ладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш- нинг замонавий ва шаффоф механизмларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

Ер участкалари беришнинг замонавий ва шаффоф механизмларини жорий этиш ва тартиб-таомилларини жадаллаштириш ва соддалаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

#### 1. Қуйидагилар:

Якка тартибдаги уй-жой қуриш учун ер участкалари бериш ва ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш тартиби тўғрисида низом 1-иловага мувофиқ;

Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун бериш тартиби тўғрисида низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ушбу қарор билан тасдиқланган низомлар талабларига жойларда сўзсиз амал қилиниши юзасидан назоратни таъминласинлар.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 июндаги 493-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини электрон аукцион орқали доимий фойдаланишга бериш тартиби тўғрисидаги низомга (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2018 й., 6-сон, 158-модда) 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

#### 4. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 декабрдаги 272-сон қарори билан тасдиқланган Якка тартибда уй-жой қурилиши тўғрисидаги низомнинг II ва III боблари (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 12-сон, 97-модда);

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 30 майдаги 150-сон қарори билан тасдиқланган Қурилиш соҳасида рухсат берувчи тусдаги ҳужжатларни бериш тартиботларини амалга ошириш муддатлари ва қийматини белгилашда табақалаштирилган ёндашув тартиби тўғрисидаги низомнинг 2 ва 3-иловалари, шунингдек, II боби (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 5-сон, 33-модда).

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 29 январда эълон қилинган.



5. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси А.Ж. Раматов ҳамда Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раиси А.Х. Абдуллаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 28 январь,  
63-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил 28 январдаги 63-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари бериш ва  
ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик  
қилиш ҳуқуқини реализация қилиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаларини бериш ва ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низом талаблари қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қурилиши олиб борилаётган массивларга татбиқ этилмайди.

3. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

«**YERELEKTRON**» **автоматлаштирилган ахборот тизими** (кейинги ўринларда «YERELEKTRON» ААТ деб аталади) — Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 июндаги 493-сон қарорига мувофиқ ер участкаларини бериш бўйича материалларни тўплаш, қўриб чиқиш ва унга киритилган ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар билан келишиш тартиб-таомилларини амалга ошириш учун автоматлаштирилган ахборот тизими;

«**E-IJRO AUKSION**» **ягона электрон савдо майдончаси** (кейинги ўринларда «E-IJRO AUKSION» деб аталади) — электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш ва ўтказиш учун зарур ахборотни киритиш, сақлаш ва

қайта ишлаш, шунингдек, манфаатдор шахсларнинг электрон онлайн-аукционлар жараёнларидан бевосита фойдаланиш имконини таъминлайдиган ахборот тизими;

**ер участкаси** — ер фондининг қатъий белгиланган чегара, майдон, жойлашув жойи, ҳуқуқий режимга ва давлат ер кадастрида акс эттириладиган бошқа тавсифларга эга қисми;

**хабарнома** — Интернет тармовида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси (кейинги ўринларда Бюро деб аталади) ва унинг ҳудудий бошқармалари расмий веб-сайтларида жойлаштириладиган ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқининг келгусида реализация қилиниши ҳақида «E-IJRO AUKSION»даги ахборот;

**лот** — электрон онлайн-аукционда реализация қилинадиган ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи;

**шахсий ҳисоб рақам** — операторнинг маълумотлар базасида рўйхатга олинган операцияларни ўтказиш учун операторнинг ички электрон тизимида оператор томонидан электрон савдо иштирокчисига очиладиган ҳисоб рақам;

**энг кичик нарх** — лот ундан паст нархда реализация қилиниши мумкин бўлмаган нарх;

**шахсий кабинет** — сайтнинг фақат унда рўйхатга олинган иштирокчиси кира оладиган алоҳида бўлими бўлиб, у орқали иштирокчи шахсий ҳисоб рақамнинг ҳолати ва статистик ахбороти ҳақидаги маълумотлар, буюртмага оид тафсилотлар ва бошқа шахсий ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқини олади;

**аукцион объекти** — электрон онлайн-аукционга қўйиладиган якка тартибдаги уй-жой қуриш учун ер участкаси;

**оператор** — «E-IJRO AUKSION»да электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш ва ўтказишни амалга ошириш ваколати берилган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ҳузуридаги «Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази» давлат унитар корхонаси;

**такрорий аукцион** — лот реализация қилинмаган тақдирда ўтказиладиган электрон онлайн-аукцион;

**аҳоли пунктлари қисмларининг батафсил режаси лойиҳаси** (кейинги ўринларда БРЛ деб аталади) — аҳоли пунктлари ҳудудлари қисмлари учун аҳоли пункти бош режаси асосида ишлаб чиқиладиган шаҳарсозлик ҳужжати бўлиб, у қизил чизиқларни, қурилишни бошқариш ва ер участкаларидан фойдаланиш чизиқларини, ердан фойдаланиш чегараларини, ҳудудларни зоналарга ажратишни ва уларда қурилиш навбатини, ҳимоя қилинадиган зоналардан фойдаланиш режимини, кўчалар, йўлақлар, пиёда юриш зоналарини, шунингдек, транспорт, алоқа, муҳандислик ускуналари ҳамда ҳудудни ободонлаштириш иншоотлари ва коммуникациялари параметрларини, қурилишнинг ҳажм-фазовий ва маъмурий-тархий ечимини, шунингдек, қурилиш зичлиги ва параметрларини, бинолар ва иншоотларнинг қаватлигини, турини белгилайди;

**бошланғич нарх** — лот электрон онлайн-аукционга қўйиладиган дастлабки нарх;

**«E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончасининг техник ишдан чиқиши** — иштирокчилардан бирининг электрон онлайн-аукцион тартиботида иштирок этиши имкониятини истисно этадиган ёхуд оператор ходими томонидан электрон онлайн-аукцион ўтказишга хизмат кўрсатилиши имкониятини истисно этадиган электрон савдо майдончасининг техник носозликлари;

**аукцион иштирокчиси** — электрон онлайн-аукционда иштирок этишга буюртма берган ва унда иштирок этишга қўйилган жисмоний шахс;

**электрон онлайн-аукцион** — аукцион шаклидаги электрон савдолар усули бўлиб, унда лотлар Интернет тармоғида «E-IJRO AUKSION»да потенциал харидорларнинг ундан тенг фойдаланиш ҳуқуқи асосида амалга оширилади.

4. Якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш «E-IJRO AUKSION» ягона савдо майдончасида электрон аукционлар ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари мазкур Низомнинг 6-бандида кўрсатилган алоҳида тоифадаги фуқароларга уларнинг аризалари асосида аукционсиз берилади.

Ер участкалари фақат шаҳарсозлик ҳужжатлари (аҳоли пунктининг бош режаси ва аҳоли пункти тегишли қисмининг БРЛ) билан таъминланган аҳоли пунктлари ҳудудларида берилади (аукционга қўйилади).

Аҳоли пункти бош режасида якка тартибда уй-жой қуриш назарда тутилган аҳоли пункти қисмларининг БРЛ бўлмаган тақдирда, Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармалари томонидан белгиланган тартибда туман (шаҳар) ҳокимликлари тақдим этган якка тартибдаги уй-жой қуриш учун бўш ер участкалари рўйхати асосида БРЛ ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши таъминланади.

Якка тартибли уй-жой қурилиши учун БРЛ ишлаб чиқишни молиялаштириш Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг тегишли маҳаллий бюджетлари махсус вазначилик ҳисобварақларига ер участкаларига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини аукционларда реализация қилишдан, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалардан амалга оширилади.

5. Якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаларини бериш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқни реализация қилиш мазкур Низомнинг 1-иловасига\* мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

Аукцион иштирокчиси электрон онлайн-аукцион орқали якка тартибда уй-жой қурилиши учун битта ер участкасини бир йилда бир марта сотиб олиш ҳуқуқига эга.

---

\* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

## 2-боб. Якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаларини аукционсиз бериш тартиби

6. Якка тартибда уй-жой қуриш учун 0,04 гектаргача ва ушбу ҳажм доирасидаги ер участкалари аукционсиз:

халок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларига;

давлат ва хусусий уй-жой фондидаги ўзлари эгаллаб турган уй-жойни туман (шаҳар) ҳокимликларига ўтказётган фуқаролар ва мулкдорларга берилади.

Ер участкасини бериш бўйича имтиёзлар бир оилага бир марта (мулкдорнинг номига) берилади ва оиланинг бошқа аъзоларига татбиқ этилмайди.

7. Якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкасини олишга ариза туман (шаҳар) ҳокимлигига берилади.

Аризага қуйидагилар илова қилинади:

буюртмачиларнинг доимий яшаш жойи бўйича уй-жой кадастр ҳужжати нусхаси (мавжуд бўлган тақдирда);

мазкур Низомнинг 6-бандида кўрсатиб ўтилган фуқаролар тоифаларининг бирортасига мансубликни тасдиқловчи ҳужжат.

8. Ариза туман (шаҳар) ҳокими бошчилигидаги доимий амал қилувчи ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси (кейинги ўринларда комиссия деб аталади) томонидан кўриб чиқилади.

Комиссия таркибига ер ресурслари ва давлат кадастри, қурилиш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, санитария-эпидемиология хизмати органлари, фуқаролар йиғинлари вакиллари, шунингдек, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари туман (шаҳар) кенгаши раиси киритилади.

9. Комиссия аризани олгандан кейин ўн кун муддатда уни кўриб чиқади ва ер участкаси беришнинг мақсадга мувофиқлиги ёки ер участкаси бериш асосланган ҳолда рад этилганлиги ҳақида хулоса беради.

10. Комиссиянинг ижобий хулосаси асосида туман (шаҳар) ҳокими якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаси бериш ҳақида бир кун муддатда қарор қабул қилади.

11. Туман (шаҳар) ҳокимининг қарори асосида туман (шаҳар) қурилиш бўлими (кейинги ўринларда қурилиш бўлими деб аталади), ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг туман (шаҳар) филиали (кейинги ўринларда давлат корхонаси филиали деб аталади), «Қурилишда муҳандислик изланишлари, геоинформатика ва шаҳарсозлик кадастри лойиҳа илмий-тадқиқот институти» давлат унитар корхонаси филиали («ЎзГАШК-ЛИТИ» ДУК филиали деб аталади) билан биргаликда уч кун муддатда ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширади, шунингдек, ер участкаси олувчига қуйидаги ҳужжатларни беради:

туман (шаҳар) ҳокими қароридан кўчирмани;

якка тартибда уй-жой қуриш БРЛ (якка тартибда уй-жой қуриш учун

мўлжалланган ер участкалари массиви бош режаси) нусхасини, участка чегараларини белгилаган ҳолда.

Ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилаш ҳамда участка чегараларини белгилаган ҳолда якка тартибда уй-жой қуриш БРЛ (якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган ер участкалари массиви бош режаси)дан нусхани тайёрлаш бўйича олиб бориладиган ишлар учун энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида тўлов ундирилади, тўлов қўйидагича тақсимланади:

энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдоридаги сумма — қурилиш бўлими ҳисоб рақамига;

энг кам ойлик иш ҳақининг 80 фоизи миқдоридаги сумма — давлат корхонаси филиали ҳисоб рақамига;

энг кам ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдоридаги сумма — «ЎзГАШК-ЛИТИ» ДУК филиали ҳисоб рақамига.

Шунингдек, давлат корхонаси филиали белгиланган тартибда ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини рўйхатга олади.

12. Ер участкасини олиш ҳуқуқига эга бўлган ва ариза берган барча фуқароларга ер участкаларини бериш имкони бўлмаган ҳолатларда, туман (шаҳар) ҳокимлиги якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкасини олишга ариза берганларнинг ҳисобини жаҳон Интернет тармоғи орқали ариза берганлар ўзининг рўйхатдаги ўрнини кузата оладиган электрон шаклда олиб боради.

Навбат тартибида ер участкаларини олишга эҳтиёжманд фуқаролар рўйхати туман (шаҳар) ҳокими томонидан ҳар олти ойда камида бир марта тасдиқланади.

13. Ариза берганлар улар тасдиқланган рўйхатга киритилгани ҳақида, ер участкаси берилишининг мўлжалдаги муддатини кўрсатган ҳолда хабардор қилиниши лозим.

### **3-боб. Якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаси мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини аукцион орқали реализация қилиш тартиби**

#### **§ 1. Ер участкалари рўйхатини шакллантириш ва ер участкаларини аукционга қўйиш учун зарур материалларни тайёрлаш тартиби**

14. 0,04 гектар ва ушбу ҳажм доирасидаги ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи электрон онлайн-аукционларда (кейинги ўринларда аукцион деб аталади) реализация қилинади.

15. Мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи аукцион орқали реализация қилишга мўлжалланган бўш ер участкаларининг рўйхати (кейинги ўринларда рўйхат деб аталади) давлат корхонаси филиаллари

томонидан тайёрланади ҳамда ҳар чоракда — кейинги чорак ойининг ўнинчи санасигача янгиланади.

16. Рўйхат электрон шаклда «YERELEKTRON» ААТ орқали туман (шаҳар) ҳокимлигига юборилади.

Рўйхатга ҳар бир ер участкаси бўйича электрон шаклда қўйидаги материаллар илова қилинади:

ер участкасини топографик харитада (чегара бурилишларининг координатали нуқталари билан), бундай харита бўлмаган тақдирда — Google тар харитада (тижорат мақсадларида тарқатмаслик шарти билан) ер участкасининг чегаралари ва манзилларини (аҳоли пункти ва кўчалар, кўча бўлмаганда эса мавжуд объектдан метр ҳисобидаги масофа кўрсатилади) М 1:500 дан М 1:1000 га бўлган масштабда кўрсатилган ҳолда жойлаштириш режаси;

чегарадош ер участкаларидан фойдаланиш турлари кўрсатилган вазият билан боғлиқ схема;

ер участкасининг камида икки томондан ўраб турган объектлар билан фотосурати (15 x 20 см).

Рўйхатга иловаларда ушбу банднинг учинчи — бешинчи хатбошиларида кўрсатилган материаллардан бирортаси бўлмаса ёки улар тегишли сифатда тақдим этилмаса (бошқа масштабда, ноаниқ тасвирда тақдим этилса), туман (шаҳар) ҳокимликлари рўйхатни икки иш куни мобайнида қайта ишлаш учун қайтариб беришга ҳақли.

17. Туман (шаҳар) ҳокимлиги рўйхат келиб тушган кундан эътиборан икки иш куни мобайнида рўйхатда кўрсатилган ер участкаларининг якка тартибда уй-жой қуриш учун реализация қилиш бўйича мавжуд имкониятларни аниқлайди ҳамда рўйхатни «YERELEKTRON» ААТ орқали хулоса олиш учун қурилиш бўлимига юборади.

Аҳоли пункти бош режасида якка тартибда уй-жой қурилиши назарда тутилган ва ер участкалари рўйхатига киритилган аҳоли пунктлари қисмларининг БРЛ мавжуд бўлмаганда туман (шаҳар) ҳокимлиги рўйхат келиб тушган пайтдан эътиборан икки иш куни мобайнида белгиланган тартибда Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлигига, вилоят ёки Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармасига ваколатли лойиҳа ташкилоти билан тегишли БРЛларни ишлаб чиқишга шартнома тузиш учун юборади.

БРЛ ишлаб чиқилгандан кейин Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, вилоят ёки Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармаси белгиланган тартибда тасдиқланган БРЛни мазкур Низомга мувофиқ ер участкаларини аукционга қўйиш учун керакли материалларни тайёрлаш учун туман (шаҳар) ҳокимлигига юборади.

18. Қурилиш бўлими икки иш куни мобайнида хулосани тайёрлайди ва уни туман (шаҳар) ҳокимлигига юборади.

19. Қурилиш бўлими хулосаси туман (шаҳар) ҳокимлигига «YERELEKTRON» ААТ орқали электрон рақамли имзо билан тасдиқланган электрон ҳужжат шаклида ёки кўчирилган нусха кўринишида юборилади. Бунда хулоса ижобий ёки салбий хулоса сифатида берилиши мумкин.

Ижобий хулосада ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод

эгаллик қилиш ҳуқуқи эгасига шаҳарсозлик ва бошқа нормалар ҳамда қоидаларга риоя этиш талаблари баён қилинади.

Салбий хулосада қонунчиликнинг аниқ нормасига таянган ҳолда, бўш ер участкасини бериш имкони йўқлигининг асосланган сабаблари кўрсатилади.

20. Туман (шаҳар) ҳокимлиги қурилиш бўлимининг ижобий хулосаси келиб тушган кундан кейинги иш куни мобайнида «YERELEKTRON» ААТ орқали ушбу хулосани илова қилган ҳолда рўйхатни қуйидаги ваколатли ташкилотларга юборади:

а) хулоса олиш учун:

туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимига, Тошкент шаҳрида — Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасига;

туман (шаҳар) ёнғин хавфсизлиги бўлимига (бўлинмасига), Тошкент шаҳрида эса — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг ёнғин хавфсизлиги бошқармасига;

Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасига, вилоят ёки Тошкент шаҳар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасига;

туман (шаҳар) давлат санитария-эпидемиология назорати марказига, Тошкент шаҳрида эса — Давлат санитария-эпидемиология назорати шаҳар марказига;

Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасига — аҳоли пунктларидан ташқарида жойлашган ер участкалари бўйича, — бўлажак қурилиш участкасининг ер қаърида фойдали қазилмалар йўқлиги ҳақида;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят Автомобиль йўллари бош бошқармаси ҳузуридаги туман йўллардан фойдаланиш корхонасига;

«Сувоқова» ДУК, «Сувсоз» ДУК туман (шаҳар) филиалига;

«Ўзбекэнерго» АЖнинг туман (шаҳар) энергия билан таъминлаш корхонасига;

«Ўзтрансгаз» АЖнинг туман (шаҳар) газ билан таъминлаш корхонасига;

б) келишиш учун:

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш бош бошқармасининг ҳудудлараро (ҳудудий) давлат инспекцияларига — маданий мерос ёдгорликлари муҳофаза қилинадиган ҳудудда жойлашган ер участкалари бўйича;

тегишли ҳудудлар ва иншоотларидан режим асосида фойдаланадиган ҳамда улардан фойдаланадиган ташкилотга — ер участкалари саноат ерлари, темир йўллар ва автомобиль йўллари, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадлардаги ерлар таркибига кирган ҳудудларда жойлашганда.

Ер участкаларининг жойлашуви уларнинг бош режаларида, шунингдек, БРЛда белгиланган ҳамда шаҳарсозлик ҳужжатларида назарда тутилган функционал мақсадига мос келадиган аҳоли пунктларидаги ер участкалари бўйича давлат санитария-эпидемиология назорати хизматининг ҳамда ички

ишлар органлари ёнгин хавфсизлиги бўлимининг (бошқармасининг) хулосасини олиш талаб этилмайди.

21. Ваколатли ташкилотлар тақдим этилган материалларни икки иш куни мобайнида келишади ёки ер участкаларининг таклиф этилаётган мақсадига мослиги ёки мос эмаслиги ҳақида хулосалар тайёрлайди.

Хулосалар ижобий ёки салбий қарор тарзида тайёрланади. Салбий хулосада меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатнинг аниқ нормасига таянган ҳолда муайян ер участкасидан якка тартибда уй-жой қуриш учун фойдаланиш имкони йўқлигининг асосланган сабаблари кўрсатилади.

Ижобий қарор қилинган тақдирда, келишув ҳеч қандай эслатма ва шартларсиз, тегишли ер участкаси бўйича ваколатли ташкилотнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланадиган розилик резолюцияси ёки кўчирилган нусхаси орқали амалга оширилади. Келишувдан ўтказиш рад этилган тақдирда хабарнома тайёрланиб, унда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатнинг аниқ нормасига таянган ҳолда, муайян ер участкасидан якка тартибда уй-жой қуриш учун фойдаланиш имкони йўқлигининг асосланган сабаблари кўрсатилади.

Рўйхатдаги ер участкалари бўйича берилган келишув ва хулоса натижалари «YERELEKTRON» ААТ орқали туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларига юборилади.

22. Рўйхатда назарда тутилган ер участкасини бериш тўғрисида қарор қабул қилиш туман (шаҳар) ҳокими ваколатига кирмаган тақдирда, туман (шаҳар) ҳокимлиги ваколатли ташкилотларнинг ижобий келишуви ёки ижобий хулосаси олингандан сўнг кейинги иш кунидан кечикмасдан тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ер участкасига умрбод мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини аукционда реализация қилиш орқали бериш учун тақдимнома юборади.

23. Тақдимномага қуйидагилар илова қилинади:

ушбу Низомнинг 16-бандида назарда тутилган бўш ер участкасини танлаш материаллари;

туман (шаҳар) қурилиш бошқармаси (бўлими)нинг хулосаси;

ваколатли ташкилотларнинг хулосалари ва ваколатли ташкилотлар билан ижобий келишув тўғрисидаги ахборот.

Тақдимнома ва унга илова қилинган ҳужжатлар «YERELEKTRON» ААТ орқали электрон рақамли имзо билан тасдиқланган электрон ҳужжат шаклида ёки уларнинг кўчирилган нусхалари шаклида юборилади.

24. Тақдимномада қайд этилган бўш ер участкасини бериш тўғрисида қарор қабул қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ваколатига кирган тақдирда, тақдимнома ва унга илова қилинган ҳужжатлар келиб тушгандан сўнг беш иш кунидан улар кўриб чиқилади ва қуйидагилар ҳақида қарор қабул қилинади:

туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан якка тартибда уй-жой қуришга мўлжалланган тегишли бўш ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқининг аукционга қўйилишига розилиги тўғрисида;

тегишли бўш ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод



эгаллик қилиш ҳуқуқининг аукционга қўйилишини асосланган сабаблар кўрсатилган ҳолда рад этиш тўғрисида.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қарори кейинги иш кунидан кечиктирмасдан «YERELEKTRON» ААТ орқали тегишли тақдимнома киритган туман (шаҳар) ҳокимлигига юборилади.

25. Туман (шаҳар) ҳокимлиги хулосалар (қарорлар) келиб тушгандан кейин бир иш кунни мобайнида рўйхатни қайта кўриб чиқади, ундан салбий хулосалар берилган ер участкаларини чиқариб ташлайди.

Рўйхатда қолган ер участкалари туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан бир кун муддатда давлат корхонаси филиалига юборилади, давлат корхонаси қурилиш бўлими билан биргаликда беш иш кунни мобайнида 0,04 гектаргача ва ушбу ҳажм доирасидаги бўлган ҳар бир ер участкасига (лотга) индивидуал рақам беради, чегара бурилиши нуқталари координаталари ҳамда бурилиш нуқталари ўртасидаги чегара чизиғи узунлигини кўрсатган ҳолда ер участкаси режасини тузади, чегарадош ерлар чегараларини тавсифлайди ҳамда бир иш кунни мобайнида туман (шаҳар) ҳокимлигига юборади.

26. Давлат корхонаси филиалининг чегара бурилиши нуқталари координаталари ҳамда бурилиш нуқталари ўртасидаги чегара чизиғи узунлигини кўрсатган ҳолда ер участкаси режасини тузиш, чегарадош ерлар чегараларини тавсифлаш ҳамда ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилаш бўйича ишлари нархи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 июлдаги 186-сон қарори иловасидаги Кадастр ишини тайёрлаш ва кўчмас мулк объектларига кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш бўйича давлат хизматлари нархларини белгилаш тартибининг 3.1<sup>1</sup>-бандидаги ер участкасини ажратиш бўйича иш мавжуд бўлмаганда якка тартибда уй-жой қурилиши учун ажратиладиган ер участкаларига кадастр ишини тайёрлаш ва кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш нархидан келиб чиқиб белгиланади.

27. Лотнинг энг паст нархи ер участкасининг жойлашувига боғлиқ ҳолда, ҳар чоракда Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги ва вилоятлар молия бош бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар давлат солиқ бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаларининг тавсиялари асосида ушбу Низомнинг 26-бандида кўрсатилган ишлар қийматини қўшган ҳолда белгиланади ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоят ҳокими томонидан тасдиқланади.

Сотиладиган лотнинг энг паст нархи аукцион ўтказилаётгандаги бошланғич нарх ҳисобланади.

## **§ 2. Аукционни ташкил этиш ва ўтказишнинг умумий шартлари**

28. Аукционлар ўтказилиши ҳақидаги хабарномалар ва лот ҳақидаги

ахборот аукционни ўтказиш бошланиши санасидан камида 30 календарь кун олдин операторнинг веб-порталида жойлаштирилади.

29. Аукционларда жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этиш ҳуқуқига эга.

30. Электрон онлайн-аукцион нархнинг оширилиши принципи асосида ўтказилади.

31. Бўш ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи аукционга туман (шаҳар) ҳокимининг қарорида (буюртмасида) кўрсатилган ер участкасининг энг паст нархи бўйича қўйилади.

32. Мазкур Низомда назарда тутилган ҳолатларда ва тартибда, электрон аукцион бўлиб ўтмаган деб тан олинганда бўш ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи ер участкасининг энг паст нархи бўйича такрорий аукционга қўйилади.

33. Оператор аукционни ташкил этиш хизматлари учун бўш ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи реализация қилинган суммасининг 2 фоизи миқдорида ҳақ олади.

### **§ 3. Аукцион ўтказилиши ҳақидаги хабарномани жойлаштириш**

34. Туман (шаҳар), Тошкент шаҳри ҳокимликлари икки иш куни давомида:

а) ер участкасининг индивидуал тартибли рақамини, унинг жойлашган жойи, ер участкасининг майдонини (гектарда), лотнинг энг паст нархини кўрсатган ҳолда объектнинг аукционга қўйилиши ҳақида қарор қабул қилади;

б) аукционга қўйиладиган ер участкалари (лотлар)нинг рўйхатини куйидаги материаллар ва ахборотни электрон шаклда илова қилган ҳолда тайёрлайди:

лотларга ажратилган ер участкасининг умумий режаси, ҳар бир ер участкаси алоҳида (лот) чегараларини, унинг майдонини ва индивидуал рақамини кўрсатган ҳолда;

чегарадош ерлардан фойдаланиш турларини кўрсатган ҳолда вазиятга боғлиқ схема;

бутун ер участкасининг фотосуратлари (15 x 20 см), камида икки тарафдан атрофидаги объектларга боғланган ҳолда;

ҳар бир лотнинг энг паст нархи;

мавжуд мажбуриятлар;

туман (шаҳар) ҳокимлигининг махсус ҳисобварағи рақамлари;

ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини аукционга қўйишга асос бўлган қарорни чиқарган туман (шаҳар) ҳокимлигининг манзили ва телефон рақами;

в) «YERELEKTRON» ААТ орқали «E-IJRO AUKSION»да аукционни ташкил қилиш ва ўтказиш учун операторга электрон рақамли имзо билан тасдиқланган буюртмани (мазкур Низомнинг 2-иловасига\* мувофиқ шаклда) юборади;

г) бўш ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш

---

\* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

хуқуқи аукционга қўйилганлиги ҳақидаги ахборотни босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида тарқатади.

Мазкур низомнинг 34-банди «б» кичик бандида назарда тутилган ҳамма ҳужжатлар буюртмага илова қилинмаган ёки улар зарур даражада расмийлаштирилмаган бўлса, оператор буюртма электрон шаклда олингандан кейинги иш кунидан кечиктирмай, бартараф этилиши лозим бўлган камчиликларни кўрсатган ҳолда, туман (шаҳар) ҳокими буюртмасини рад этади.

Туман (шаҳар) ҳокими оператор кўрсатган барча камчиликларни уч кун муддатда бартараф этиб, электрон буюртмани мазкур Низомнинг 34-банди «б» кичик банди талабларига мувофиқ қайта юборади.

35. Оператор туман (шаҳар) ҳокимлигидан буюртманома ва унга белгиланган талабларга мос келадиган ҳужжатларни олгандан сўнг кейинги иш кунидан кечиктирмасдан ўз веб-порталида аукцион ўтказилиши тўғрисидаги хабарномани жойлаштиради.

Хабарномада қуйидаги маълумотлар бўлиши зарур:

аукцион ўтказиладиган сана;

лот рақами ва номи;

аукционда иштирок этиш учун буюртманомаларни қабул қилиш санаси ва тугаш вақти;

аукцион объекти ҳақида ахборот, яъни айнан:

ер участкасининг ўзига хос рақами;

бўш ер участкасини жойлаштириш режасига мувофиқ чегара ва манзил кўрсатилган ҳолда, бўш ер участкасининг майдони (гектарда) ва жойлашган жойи;

ер участкаси бўйича мавжуд чекловлар;

бошланғич нархи;

қадам нархи, бошланғич нархдан фоизларда ва йиғиндиси ифодасида;

закалат миқдори бошланғич нархдан фоизларда ва йиғиндиси ифодасида, закалат ўтказиладиган оператор банк ҳисоб рақамининг реквизитлари;

ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи аукционга қўйишга асос бўлган қарорни чиқарган туман (шаҳар) ҳокимлигининг номи, манзили ва телефон рақами;

туман (шаҳар) ҳокимининг қарори бўйича қўшимча ахборот.

36. Махсус ахборот порталида барча хоҳловчиларга мазкур Низомнинг 34-банди «б» кичик бандида кўрсатилган ахборотни эркин олиш имконияти таъминланиши лозим.

#### § 4. Аукционда иштирок этиш шартлари

37. Электрон аукционда иштирок этишга буюртманомалар хабарнома жойлаштирилган кундан бошлаб операторнинг веб-порталида автоматик тарзда бошланади ва аукционни ўтказиш кунидан икки иш куни олдин (соат 13-00 да) якунланади.

Буюртманомалар электрон тарзда қабул қилинади.

Қабул қилиш учун белгиланган муддат ўтгандан кейин келиб тушган буюртмалар қабул қилинмайди.

Қуйидаги тоифадаги шахслар аукционда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлмаган шахслар, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно;

Тошкент шаҳрида ёки Тошкент вилоятида доимий пропискага ҳамда яқка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахслар — Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида жойлашган ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилишда, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

38. Буюртманомани бериш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Буюртмачи операторнинг веб-порталида рўйхатдан ўтади ва автоматик тарзда иштирокчининг шахсий кабинети ва шахсий ҳисоб рақами очилади;

Буюртманома берувчи ўзи танлаган лотни закатат пулидан кам бўлмаган миқдорда шахсий ҳисоб рақамини тўлдиради ва буюртма беради. Закалат пули иштирокчининг шахсий ҳисоб рақамидан автоматик тарзда ўтказиб олинади.

Аукционда иштирок этиш учун закатат ер участкаси (лот) минимал қийматининг 50 фоизи миқдорида белгиланади ва операторнинг банк ҳисоб рақамига ўтказилади.

Агар буюртмачининг шахсий ҳисоб рақамидаги мавжуд пул маблағлари закататни тўлаш учун етарли бўлмаса, аукционда иштирок этиш учун буюртма қабул қилинмайди.

Буюртмачи буюртманома бериш муддатидан кечиктирмасдан операторга унинг веб-портали орқали хабарнома юбориб, аукционда иштирок этиш буюртманомасини ўзгартириши ёки қайтариб олиши мумкин. Бунда закатат пули автоматик тарзда иштирокчининг шахсий ҳисоб рақамига қайтарилади.

Оператор буюртманома электрон тарзда чақириб олингандан кейин бир иш кунидан кечиктирмай иштирокчига у киритган закатат пулини қайтарди. Закалат пули буюртмачининг унинг аукционда иштирок этишга буюртманомасида кўрсатилган банк ҳисоб рақамига юборилади.

Буюртмачига қайтарилган закатат пули буюртмачи томонидан банк ҳисоб рақами реквизитлари нотўғри кўрсатилгани ёки бошқа сабабларга кўра операторнинг банк ҳисоб рақамига қайта келиб тушган тақдирда, оператор банк реквизитлари тўғрисидаги аниқ маълумотлар сўровномасини юбориб, иштирокчини бу ҳақда хабардор қилади. Мазкур ҳолатда закатат пули буюртмачига ўзининг банкдаги ҳисоб рақами реквизитларини аниқ кўрсатиб, мурожаат қилган кундан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмай қайтарилади.

Буюртманомаларни рўйхатга олишда мажбурий тартибда талабгорни аниқлаш имконини берадиган маълумотлар — жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш манзили, паспорти рақами ва берилган жойи, солиқ тўловчининг идентификация рақами кўрсатилади. Ушбу маълумотларнинг махфийлиги оператор томонидан таъминланади.

39. Оператор савдо майдончасида рўйхатга олинган жисмоний шахслар учун, уларнинг закат тўланганлиги ҳақида ахборотни киритишлари учун зарур шарт-шароитларни таъминлайди.

40. Савдо майдончаси автоматик режимда рўйхатга олинган жисмоний шахс томонидан закат тўланганлигини аниқлайди ҳамда закат киритилган пайтдан эътиборан бир иш куни мобайнида унга аукционда иштирок этиш учун рухсатнома очади.

41. Иштирок этишга буюртманома қабул қилингандан кейин у қуйидаги шартларга риоя қилинганлиги юзасидан текширилади:

буюртманоманинг белгиланган талабларга мувофиқ тўлдирилганлиги;

закат пулининг оператор ҳисоб рақамига тушганлиги;

буюртманоманинг хабарномада кўрсатилган буюртмаларни топшириш муддати тугагунча топширилганлиги.

Буюртманомани текшириш автоматик тарзда амалга оширилади, текширув натижалари ва қабул қилинган қарор ҳақида буюртмачи дарҳол хабардор қилинади.

42. Буюртманоманинг қўйилган талабларга мувофиқлиги шarti билан, оператор буюртмачига аукционда иштирок этиш учун рухсат беради, шунингдек, қўшимча тарзда электрон почта орқали у аукцион иштирокчиси мақомини олганлиги тўғрисида хабардор қилади.

43. Аукцион иштирокчиларига якка тартибли рақамлар берилади, шу рақамлар билан улар аукционда иштирок этадилар.

44. Буюртманома талабларга мувофиқ бўлмаган тақдирда, оператор буюртмачининг аукционда иштирок этиш учун буюртманомасини рад этади ва бу ҳақда унга электрон шаклда тегишли хабарнома юборади.

Бунда, буюртмачи камчиликларни бартараф қилгандан сўнг хабарномада кўрсатилган буюртманома қабул қилиш вақти яқунлангунига қадар аукционда иштирок этишга буюртманомани такроран юборишга ҳақли.

Оператор электрон савдоларда субъектлар томонидан бериладиган электрон ҳужжатлар ва хабарлар мазмуни билан боғлиқ ҳуқуқий оқибатлар учун жавобгар эмас.

## § 5. Аукционни ўтказиш тартиби

45. Аукцион операторнинг веб-порталида хабарномада кўрсатилган кунда ва вақтда бошланади.

46. Аукцион унга қўйилган икки ва ундан ортиқ иштирокчи мавжуд бўлганда ўтказилади.

47. Аукцион иш куни мобайнида соат 9:00 дан соат 18:00 гача ўтказилади.

48. Бошланғич нарх сифатида аукцион объектининг минимал қиймати-га тенг нарх белгиланади.

49. Аукционнинг қадами аукцион объекти минимал қийматининг беш фоизини ташкил этади.

50. Аукцион унинг иштирокчиларидан лотни бошланғич нархдан битта

қадамга оширилган нархда сотиб олиш бўйича таклифни тасдиқлашни сўрашдан бошланади.

Агар таклиф берилгандан кейин ўн дақиқа давомида аукцион иштирокчиларидан бири белгиланган қадамга оширилган лот нархини тасдиқласа, кейинги таклифни тасдиқлаш учун вақт яна ўн дақиқага узайтирилади.

Агар, тасдиқланган охирги таклифдан сўнг ўн дақиқа давомида кейинги оширилган лот нархи бўйича таклиф аукцион иштирокчиларининг биронтаси томонидан тасдиқланмаса, аукцион натижалари ҳақидаги баённомани автоматик тарзда шакллантирган ҳолда яқунланади. Лот нархи бўйича таклифни охирги тасдиқлаган иштирокчи аукцион ғолиби, деб ҳисобланади.

Аукцион иштирокчиларига навбатдаги ставкани дастлабки белгиланган қадамнинг 5, 10 ёки 20 баравари миқдорида мустақил белгилаш имконияти берилади.

Агар, лот нархини ошириш бўйича таклифни охирги тасдиқлаган аукцион иштирокчиси бунга электрон онлайн-аукционни ўтказиш вақти яқунлангунга ўн дақиқадан кам қолганда амалга оширган бўлса, аукционни ўтказиш вақти охирги таклиф тасдиқланган пайтдан бошлаб кейинги ўн дақиқага узайтирилади. Кейинги ҳар бир таклиф электрон онлайн-аукционни ўтказиш вақтини ўн дақиқадан узайтириб боради. Бунда электрон онлайн аукционни ўтказиш вақти 3 соатдан ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин ва аукцион 21:00 соатга қадар яқунланиши лозим. Лот нархи бўйича охирги таклифни соат 21:00 га қадар билдирган иштирокчи аукцион ғолиби, деб ҳисобланади.

51. Аукционни ўтказишга тўсқинлик қиладиган ягона электрон савдо майдончасида техник узилиш содир бўлган ҳолатларда, аукцион ўтказиш санаси ва вақти ҳақида аукцион иштирокчиларига хабар берилган ҳолда, аукцион техник узилиш бартараф қилинган кундан кейинги кунда давом эттирилади.

52. Электрон онлайн-аукцион яқунланганда операторнинг веб-порталида автоматик тарзда қўйидаги маълумотлар акс эттирилади:

лотнинг бошланғич нархи;

охирги ва охиргидан олдинги ставкалар (аукцион иштирокчилари томонидан тасдиқланган охирги ва охиргидан олдинги қадамларни ҳисобга олган ҳолда);

аукцион ғолибининг ҳамда охиргидан олдинги ставкани берган иштирокчининг фамилияси, исми, отасининг исми.

53. Аукцион қўйидаги ҳолатларда ўтказилмаган деб ҳисобланади:

аукционда иштирок этиш учун иккитадан кам иштирокчи қўйилган бўлса;

аукционнинг бирорта иштирокчиси лотни аукцион жараёнида таклиф этилган нархда сотиб олиш истагини билдирмаган бўлса;

аукцион ғолиби ва лотни сотиб олиш таклиф этилган охиридан олдинги ставкани қўйган иштирокчи унинг баҳосини белгиланган муддатда тўлиқ тўламаса.

Аукцион яқунлангач оператор аукцион натижалари ҳақида баённома тузади.

54. Аукцион ўтказилмаган деб ҳисобланганда, операторнинг веб-порталида бу ҳақда унинг сабаблари, шунингдек, лотнинг бошланғич нархи кўрсатилган маълумот акс эттирилади.

55. Аукционни ўтказиш тугаган пайтдан бошлаб савдо майдончаси аукцион ғолибини аниқлайди ва унинг шахсий кабинетига ер участкаси (лот) қийматини тўлиқ миқдорда тўлаш ҳақида талабнома юборади.

56. Лотни аукционда таклиф этилган нархда аукцион иштирокчиларидан бирортаси томонидан сотиб олиш истаги билдирилмаганлиги сабабли аукционнинг ўтказилмаган деб тан олиниши муносабати билан лот сотилмаса, ушбу лот энг паст нархда мазкур Низомда белгиланган тартиб ва муддатда қайта қўйилади.

### **§ 6. Аукционлар натижаларини ҳисоб-китоб қилиш ва расмийлаштириш тартиби**

57. Аукцион ғолиби аукцион яқунланган кундан бошлаб беш иш кунидан кечиктирмай, операторнинг ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан лотнинг қийматини тўлиқ тўлаши лозим.

Бунда ушбу лот бўйича аввал тўланган закат пули лот қийматига кўшиб ҳисобланади.

58. Оператор ғолиб аукцион объектнинг қийматини тўлиқ тўлагандан сўнг кейинги иш кунидан кечиктирмай:

махсус бланкада аукцион натижалари ҳақида баённомани расмийлаштиради, унга муҳр қўйиб, бир нусхасини аукцион ғолибига беради (ёки аукцион ғолибининг розилиги билан почта жўнатмаси орқали юборади). Бир вақтнинг ўзида баённоманинг электрон нусхаси ғолибнинг шахсий кабинетига ҳамда «YERELEKTRON» ААТ ёки ягона ҳимояланган «Е-ХАТ» электрон почтаси орқали туман (шаҳар) ҳокимлигига юборилади. Баённома нусхаси операторда қолади;

лотни реализация қилишдан тушган маблағларни, аукционни ўтказиш бўйича хизматлар ҳақи суммасини ушлаб қолган ҳолда, туман (шаҳар) ҳокимнинг буюртманомасида кўрсатилган туман (шаҳар) ҳокимлигининг банк ҳисоб рақамига ўтказилади.

Аукцион натижалари тўғрисидаги баённомада қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

а) аукцион ўтказилган сана;

б) ер участкасини аукционга қўйиш учун асос бўлган туман (шаҳар) ҳокимлигининг қарори;

в) аукционнинг ғолиби;

г) аукцион объекти, жумладан:

ер участкасининг ўзига индивидуал рақами, майдони ва жойлашган жойи ҳақида.

Аукцион натижалари ҳақидаги баённома ер участкасини ажратиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва ушбу ер участкасига мерос қилиб қолдирилади-

ган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини ғолиб номига рўйхатдан ўтказиш учун асос ҳисобланади.

59. Туман (шаҳар) ҳокимлиги лотни реализация қилишдан маблағлар келиб тушгандан кейин бир иш куни давомида:

пул маблағларини (ер участкасини танлаш материалларини тайёрлаш хизматлари учун тўлов суммасини чегирган ҳолда) Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг ва тегишли маҳаллий бюджетларнинг махсус вазначилик ҳисоб рақамларига ўтказилади;

ер участкасини танлаш материалларини тайёрлаш хизматлари учун пул маблағларини тегишли ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг банк ҳисоб рақамига ўтказиладилар, унинг 20 фоизи «Давергеодезкадастр» қўмитасининг Ер муносабатларини ва давлат кадастрини ривожлантириш фондининг махсус вазначилик ҳисоб рақамига (4001) йўналтирилади.

60. Лотларни реализация қилишдан тушган ва Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, тегишли маҳаллий бюджетларнинг махсус вазначилик ҳисоб рақамларига ўтказилган маблағлар фақат ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга, яқка тартибдаги уй-жой қурилиши учун БРЛ ишлаб чиқишни молиялаштиришга, шунингдек, мулкдорларга улардан ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан етказилган зарарларни қоплашга сарфланади.

61. Агар аукцион иштирокчиси беш иш куни ичида ер участкасининг қийматини тўлиқ тўламаса, оператор кейинги календарь кундан кечиктирмай қўйидагиларга электрон хат юборади:

Ғолибга — у ғолиб деб топилган аукцион натижасининг бекор қилинганлиги ҳақида;

ғолибдан кейин ер участкасининг нархи бўйича энг юқори ставкани қўйган аукцион иштирокчисига — аукцион ўтказилаётганда таклиф этилган ер участкасини нархини беш иш куни мобайнида тўлаш ҳақидаги таклиф ҳақида.

Агар ғолибдан кейин ер участкасининг нархи бўйича энг юқори ставкани қўйган аукцион иштирокчиси беш иш куни ичида ер участкасининг қийматини тўлиқ тўласа, у аукцион ғолиби деб ҳисобланади ва унга мазкур Низомнинг 58-бандида белгиланган тартибда аукцион натижалари ҳақидаги баённома расмийлаштирилади.

Агар аукцион ўтказилмаган бўлса, зақалат икки иш куни давомида қайтарилиши керак. Зақалат, шунингдек, аукционда иштирок этган, аммо унда ғолиб бўлмаган шахсларга ҳам икки иш куни давомида қайтарилади.

Зақалат пули аукцион иштирокчисининг шахсий ҳисоб рақамига қайтарилади. Буюртмачи ушбу маблағларни шахсий ҳисоб рақамда қолдириш ёки уларни ўз банк ҳисоб рақамига қайтариш ҳуқуқига эга.

Агар аукцион иштирокчиси беш иш куни давомида операторни аукцион объектини сотиб олиш истаги йўқлиги ҳақида хабардор қилса ёки мулкнинг тўлиқ қийматини белгиланган муддатда тўламаса, у аукцион объектини сотиб олишдан бош тортган деб тан олинади.

Аукцион объекти нархини мазкур Низомнинг 57-бандида ва ушбу банд-



да белгиланган тартибда тўлиқ тўламаган аукцион иштирокчиларига закат пули қайтарилмайди ва Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, тегишли маҳаллий бюджетларнинг махсус газначилик ҳисоб рақамларига ўтказилади.

62. Аукцион объекти нарҳини мазкур Низомнинг 57 ва 61-бандларида белгиланган тартибда тўлиқ тўламаган аукцион иштирокчилари аукционнинг ноҳалол иштирокчилари деб эътироф этилади.

Олти ой мобайнида икки марта аукционнинг ноҳалол иштирокчилари деб эътироф этилган шахслар кейинги календарь йили давомида аукционда иштирок этишга қўйилмайди.

Аукционнинг ноҳалол иштирокчилари ҳисоби оператор томонидан юритилади.

63. Туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари «E-IJRO AUKSION» орқали баён-номани олгандан кейин беш иш куни мобайнида:

аукцион ғолибига ер участкасини ажратиш ҳақида қарор қабул қиладилар;

ер участкасини ажратиш ҳақидаги қарорни давлат корхонаси филиалига ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун юбордилар;

ўз веб-сайтларида ер участкасини аукцион ғолибига ажратиш ҳақидаги қарорини эълон қиладилар.

64. Ер тузиш давлат корхонасининг филиали ер участкаси ажратиш тўғрисидаги қарорни олгандан сўнг икки иш куни давомида, ер ажратиш ҳақидаги қарор асосида ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини тўлов ундирмасдан давлат рўйхатидан ўтказилади.

#### **4-боб. Яқунловчи қоидалар**

65. Ер участкаларини беришда ёки ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилишда юзага келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

66. Ушбу Низом талабларини бузган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил 28 январдаги 63-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун  
бериш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом ер участкаларини:

давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида» 2016 йил 21 октябрдаги ПҚ–2639-сон ҳамда намунавий лойиҳалар асосида яқка тартибдаги уй-жойлар қуриладиган массивларда ҳамда «2017 — 2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 22 ноябрдаги ПҚ–2660-сон қарорларига мувофиқ:

жисмоний ва юридик шахсларга, белгиланган тартибда, улардан ер участкаларининг давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан;

давлат улуши 100 фоиз бўлган акциядорлик жамиятларига бериш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий атамалардан фойдаланилади:

«**YERELEKTRON**» **автоматлаштирилган ахборот тизими** (кейинги ўринларда «YERELEKTRON» ААТ деб аталади) — Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 июндаги 493-сон қарорига мувофиқ ер участкаларини бериш бўйича материалларни тўплаш, кўриб чиқиш ва унга киритилган ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар билан келишиш тартиб-таомилларини амалга ошириш учун автоматлаштирилган ахборот тизими;

**давлат эҳтиёжлари** — ерларни:

мудофаа ва давлат хавфсизлиги эҳтиёжлари, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни яратиш, эркин иқтисодий зоналарни ташкил қилиш ва уларнинг фаолият юритиши учун;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш учун;

фойдали қазилмалар конларини аниқлаш ва қазиб чиқариш учун;

автомобиль йўллари ва темир йўллар, аэропортлар, аэродромлар, аэронавигация объектлари ва авиатехника марказлари, темир йўл транспорти объектлари, кўприклар, метрополитенлар, тоннеллар, энергетика тизимлари объектлари ва электр узатиш тармоқлари, алоқа тармоқлари, космик фаолият объектлари, магистрал қувурлар, муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш (реконструкция қилиш) учун;

аҳоли пунктлари бош режаларини Ўзбекистон Республикасининг Дав-

лат бюджети маблағлари ҳисобидан объектлар қуриш бўйича ижро этиш, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда бериш;

**ер участкаси** — ер фондининг қатъий белгиланган чегара, майдон, жойлашув ери, ҳуқуқий режимга ва давлат ер кадастрида акс этириладиган бошқа тавсифларга эга қисми;

**жамоат эҳтиёжлари** — қўидагиларни:

жисмоний шахсларга, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, шунингдек, юридик шахсларга тегишли бинолар ва иншоотлар, ҳудудларга олиб келувчи автомобиль йўллари ва пиёда йўлакларини;

ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар юридик шахсларга, шунингдек, жисмоний шахсларга тегишли бинолар ва иншоотлар ҳамда ҳудудларда ўтказиладиган муҳандислик-коммуникацияларини;

ариқлар, каналлар ва бошқа сув артериялари, ҳавзаларни, аҳолини сув билан таъминлашга мўлжалланган, яшил ўсимликлар ва қишлоқ хўжалиги экинларини;

давлат таълим ва даволаш муассасалари, интернатлар, меҳрибонлик уйлари, шунингдек, давлат-хусусий шериклик асосида;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларидан ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган манбалардан шакллантириладиган бошқа маблағлардан молиялаштириладиган майдонлар, шунингдек, дам олиш парклари, аллеялар, хиёбонлар, дам олиш зоналари, кўллар, сув ҳавзалари ва бошқа рекреацион объектларни;

Мақсадли дастурлар доирасида қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича ва шаҳарларда арзон уй-жойлар қуриш эҳтиёжлари.

3. Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун бериш мазкур Низомнинг иловасига\* мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

4. Ер участкаларида қурилишларни олиб боришда шахарсозлик, иқтисодий, санитария талаблари ва бошқа талаблар қонун ҳужжатларида белгиланади.

Йўл ёқасидаги инфратузилма объектларини давлат-хусусий шериклиги шартларида қуриш учун ер участкалари берилганда, ер участкасини оладиган тадбиркорлик субъектлари Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари давлат қўмитасининг тегишли ҳудудий бўлинмаси билан келишган ҳолда, автомобиль йўллари бўйлаб ҳудудларни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш мажбуриятини оладилар.

5. Юридик ёки жисмоний шахсларнинг эгалигида, фойдаланишида, ижарасида ёки мулкида бўлган ер участкасини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун бериш фақат бу ер участкаси белгиланган тартибда улардан олиб қўйилганда (сотиб олинганда) амалга оширилади.

Бунда, давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида» 2018 йил 1 августдаги ПФ–5495-сон Фармониға мувофиқ фақат ер участкаси олиб қўйилиши режалаштирилаётган манфаат-

\* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

дор шахслар билан очиқ муҳокама ўтказилганидан, шунингдек, фойда ва харажатлар баҳоланганидан кейин йўл қўйилади, ер участкаларини олиб қўйишда жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган турар жой ва ишлаб чиқариш бинолари, бошқа иморатлар ва иншоотларнинг бузилишига эса — қўчмас мулкнинг бозор қиймати ва олиб қўйиш сабабли мулкдорга етказилган зарарнинг ўрни тўлиқ қопланганидан кейин рухсат берилади.

Ер участкасини олиб қўйиш ҳақидаги қарор бош режаларга, шунингдек, аҳоли пунктларини батафсил режалаштириш ва қуриш лойиҳаларига мувофиқ қабул қилинади.

## **2-боб. Ер участкаси ажратиш материалларини тайёрлаш тартиби**

6. Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаси ажратиш бўйича материалларни тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг (кейинги ўринларда «Давергеодезкадастр» қўмитаси деб аталади) қуйидаги ваколатли органлари томонидан амалга оширилади:

туманлар (шаҳарларда) — ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг туман (шаҳар)лардаги филиаллари (кейинги ўринларда давлат корхонаси филиали деб аталади) томонидан;

Тошкент шаҳрида — Тошкент шаҳар ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри давлат корхонаси (кейинги ўринларда Тошкент шаҳар давлат корхонаси деб аталади) томонидан.

7. Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаси ажратиш бўйича материалларни мазкур Низомнинг 21-бандида назарда тутилган ваколатли ташкилотлар билан келишиш туман (шаҳар) ҳокимлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан «YERELEKTRON» автоматлаштирилган ахборот тизими орқали амалга оширилади.

8. Ер участкаси ажратиш бўйича материалларни тайёрлаш ишлари маҳаллий давлат ҳокимияти органининг қарори билан белгиланган ер участкаси ажратиладиган юридик ёки жисмоний шахс — буюртмачи ҳамда давлат корхонаси филиали, Тошкент шаҳар давлат корхонаси томонидан шартнома асосида бажарилади.

9. Маҳаллий давлат ҳокимияти органининг қарори билан белгиланган буюртмачи ер участкасини ажратиш учун туман (шаҳар), Тошкент шаҳар ҳокимлигига ариза беради.

10. Туман (шаҳар), Тошкент шаҳар ҳокимлиги буюртманомга келиб тушгандан кейин бир иш куни мобайнида уни тегишли равишда давлат корхонаси филиалига, Тошкент шаҳар давлат корхонасига юборди.

11. Давлат корхонаси филиали, Тошкент шаҳар давлат корхонаси етти иш куни мобайнида буюртманомга асосида шартнома ҳужжатларини тайёрлайди ва буюртмачи билан ер участкаси ажратиш материалларини тайёрлаш юзасидан шартнома тузади.

12. Ер участкасини ажратиш материалларини тайёрлаш учун давлат

корхонаси филиали, Тошкент шаҳар давлат корхонаси томонидан «Давергеодезкадастр» қўмитаси тасдиқлаган Ер тузиш, давлат ер кадастри ва ерларни мониторинг қилиш бўйича лойиҳа-изланиш ишларига кетадиган вақтнинг намунавий меъёрлари тўпламига мувофиқ ҳақ ундирилади.

13. Давлат корхонаси филиали, Тошкент шаҳар давлат корхонаси буюртмачи билан шартнома тузилгандан кейин йигирма иш куни давомида электрон шаклда ер участкаси ажратиш ҳақида ҳужжатлар йиғма жилдини тайёрлайди ва уни «YERELEKTRON» ААТ орқали туман (шаҳар), Тошкент шаҳар ҳокимлигига юборади.

14. Ер участкасини ажратиш ҳақидаги ҳужжатлар йиғма жилдига (кейинги ўринларда ҳужжатлар йиғма жилди деб аталади) қуйидагилар илова қилинади:

ер участкаси, жумладан, майдони (гектарда), ер участкасининг ер фонди тоифаси, мавжуд мажбуриятлар, қайси мақсадга мўлжалланаётганлиги, балл бонитети ва бошқалар ҳақида қисқача маълумот;

ер участкасини топографик харитада (координатали нуқталари билан), ер участкасининг чегаралари ва манзилларини (аҳоли пункти ва кўчалар, кўча бўлмаганда эса — мавжуд объектдан метр ҳисобидаги масофа кўрсатилади) М 1:500 дан М 1:1000 гача катталиқда кўрсатилган ҳолда жойлаштириш режаси;

чегарадош ер участкаларидан фойдаланиш турлари кўрсатилган вазият билан боғлиқ схема;

ер участкасининг камида икки томондан ўраб турган объектлар билан биргаликдаги фотосурати (15 x 20 см);

ер участкаси давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилаётган фуқаролар ва юридик шахсларнинг рўйхати, уларнинг бузиладиган уй-жойи, ишлаб чиқариш ва бошқа қурилмалари, иншоотлар ва дарахтзорлари;

қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариш нобудгарчиликлари ва зарарлар миқдори, шунингдек, бузиладиган бинолар ва иншоотлар, кўп йиллик дарахтзорларни баҳолаш ҳақидаги маълумотлар.

15. Ушбу Низомнинг 14-бандида қайд этилган барча материаллар мавжуд бўлмаса ёки улар тегишли сифатда (бошқача масштабда, ноаниқ тасвирда) тақдим этилмаса, туман (шаҳар), Тошкент шаҳар ҳокимлиги давлат корхонасининг филиалига, Тошкент шаҳар давлат корхонасига келгуси иш кунидан кечиктирмасдан ҳужжатлар йиғма жилдини қайта тайёрлаш учун юборади. Бунда бартараф этилиши лозим бўлган камчиликлар кўрсатилади.

Давлат корхонасининг филиали, Тошкент шаҳар давлат корхонаси туман (шаҳар), Тошкент шаҳар ҳокимлиги кўрсатган барча камчиликларни беш иш кунидан бартараф этади ва материалларни туман (шаҳар), Тошкент шаҳар ҳокимлигига «YERELEKTRON» ААТ орқали такроран юборади.

16. Туман (шаҳар), Тошкент шаҳар ҳокимлиги ушбу Низомнинг 14-бандида назарда тутилган барча материаллар билан бирга ҳужжатлар йиғма жилдини олгандан сўнг, уни беш иш куни давомида ўрганеди ва хулоса олиш учун туман (шаҳар) қурилиш бўлимига (кейинги ўринларда қурилиш бўлими деб аталади), Тошкент шаҳрида эса — Тошкент шаҳар қурилиш Бош

бошқармасига (кейинги ўринларда қурилиш Бош бошқармаси деб аталади) юборади.

17. Шаҳарсозлик ҳужжати мавжуд бўлган тақдирда қурилиш бўлими, қурилиш Бош бошқармаси уч иш куни давомида йиғма жилдни кўриб чиқади, ажратиладиган ер участкаси бўйича хулоса тайёрлайди ва тегишли равишда уни туман (шаҳар), Тошкент шаҳар ҳокимлигига юборади. Хулосада шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этиш талаблари баён этилади.

18. Шаҳарсозлик ҳужжатлари мавжуд бўлмаган тақдирда, туман қурилиш бўлими, қурилиш Бош бошқармаси туман (шаҳар), Тошкент шаҳар ҳокимлигидан ҳужжатлар йиғма жилдини олгандан сўнг келгуси иш кунидан кечиктирмасдан уни кўриб чиқади ҳамда келишиш учун ўз хулосасини илова қилган ҳолда, ҳудудий архитектура шаҳарсозлик кенгашига (кейинги ўринларда Кенгаш деб аталади) келишиш учун юборади.

Кенгаш беш иш кунидан кечиктирмасдан навбатдаги мажлисда ҳужжатлар йиғма жилдини кўриб чиқади ҳамда материалларни электрон рақамли имзосини қўйиш йўли билан келишади.

Келишилган материаллар, улар келишилгандан сўнг кейинги кундан кечиктирмасдан туман (шаҳар), Тошкент шаҳар ҳокимлигига тақдим этиш учун Кенгаш томонидан қурилиш бўлимига, қурилиш Бош бошқармасига юборилади.

19. Қурилиш бўлими, қурилиш бош бошқармаси хулосаси ва кенгаш томонидан келишилган материаллар «YERELEKTRON» ААТ орқали электрон шаклда туман (шаҳар), Тошкент шаҳар ҳокимлигига рақамли имзо билан тасдиқланган ҳужжат шаклида ёки нусхаси кўчирилган шаклда юборилади. Бунда хулоса ижобий ёки салбий бўлиши мумкин.

Ижобий хулосада ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи эгасига нисбатан шаҳарсозлик ва бошқа нормалар ҳамда қоидаларга риоя этиш талаблари баён этилади.

Салбий хулосада қонунчиликнинг муайян нормаларига таянган ҳолда, ер участкасини ажратиш имкони йўқлигининг асосланган сабаблари кўрсатилади ҳамда тегишли ер участкасини бошқа, кўпроқ мос келадиган жойдан ажратиш ҳақида таклиф берилади.

Кенгаш материалларни келишишдан бош тортган тақдирда, қурилиш бўлими, қурилиш бош бошқармасига Кенгаш йиғилишининг баённомаси рад этишни асослаган ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатнинг аниқ нормасини кўрсатган ҳолда, ер участкаси ажратиш жойини кўчириш ҳақидаги таклиф билан юборилади.

20. Қурилиш бўлими, қурилиш бош бошқармаси салбий хулоса берган ёки Кенгаш билан келишиш рад этилган тақдирда, туман (шаҳар), Тошкент шаҳар ҳокимлиги ер участкаси ажратиш материалларини қайта ишлаш, шу жумладан берилган хулосага мувофиқ ажратиладиган участкаси жойлашувини ўзгартириш (келишишни рад этиш сабабларини асослаган ҳолда) ҳуқуқига эга.

Бунда, туман (шаҳар), Тошкент шаҳар ҳокимлиги икки иш куни мобайнида қурилиш бўлими, қурилиш бош бошқармасининг салбий хулосасида ёки

Кенгашнинг келишишни рад этиш баён қилинган таклифни кўриб чиқади ҳамда ҳужжатлар йиғма жилдини Кенгаш йиғилишининг хулосаси ёки баён-номасини илова қилган ҳолда давлат корхонаси филиалига, Тошкент шаҳар давлат корхонасига қайта ишлаш учун юборади.

Давлат корхонаси филиали, Тошкент шаҳар давлат корхонаси ўн иш куни давомида ер участкаси ажратиш материалларини қайта ишлайди, ҳужжатлар йиғма жилдини шакллантиради ва уни туман (шаҳар), Тошкент шаҳар ҳокимлигига такроран юборади. Бунда янгиланган ер участкаси ажратиш материалларини қайта ишлаш ва тайёрлаш бўйича ишлар учун ҳақ ундирилмайди.

Туман (шаҳар), Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳужжатлар йиғма жилдини олгандан кейинги иш кунидан кечиктирмасдан уни қурилиш бўлимига, қурилиш бош бошқармасига мазкур Низомнинг 17-18-бандларида белгиланган тартибда хулоса олиш ёки Кенгаш келишувини олиш учун такроран юборади.

### **3-боб. Ер участкаси ажратиш материалларини ваколатли органлар билан келишиш тартиби**

21. Қурилиш бўлими, қурилиш бош бошқармасининг ижобий хулосаси ёки туман (шаҳар), Тошкент шаҳар ҳокимлиги кенгаши келишуви олинган кундан кейинги иш куни мобайнида туман (шаҳар), Тошкент шаҳар ҳокимлиги йиғма жилдиди қуйидаги ваколатли органларга юборади:

а) хулоса олиш учун:

туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимига, Тошкент шаҳрида — Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасига;

туман (шаҳар) ёнғин хавфсизлиги бўлимига, Тошкент шаҳрида эса — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг ёнғин хавфсизлиги бошқармасига;

Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасига, вилоят ёки Тошкент шаҳар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасига;

туман (шаҳар) давлат санитария-эпидемиология назорати марказига, Тошкент шаҳрида эса — Давлат санитария-эпидемиология назорати шаҳар марказига;

Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасига — аҳоли пунктларидан ташқарида жойлашган ер участкалари бўйича, — бўлажак қурилиш участкасининг ер қаърида фойдали қазилмалар йўқлиги ҳақида;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят Автомобиль йўллари бош бошқармаси ҳузуридаги туман йўллардан фойдаланиш корхонасига;

«Сувоқова» ДУК, «Сувсоз» ДУК туман (шаҳар) филиалига;

«Ўзбекэнерго» АЖ туман (шаҳар) энергия билан таъминлаш корхонасига;

«Ўзтрансгаз» АЖ туман (шаҳар) газ билан таъминлаш корхонасига;

б) келишиш учун:

туман (шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимига — қишлоқ хўжалиги мақсадларига мўлжалланган ерлардан бўш ер участкаси ажратилганда;

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш бош бошқармасининг ҳудудлараро (ҳудудий) давлат инспекцияларига — маданий мерос ёдгорликлари муҳофаза қилинадиган зонада жойлашган ер участкалари бўйича;

тегишли ҳудудлар ва иншоотларидан режим асосида фойдаланадиган ҳамда улардан фойдаланадиган ташкилотга — бўш ер участкалари саноат ерлари, темир йўллар ва автомобиль йўллари, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадлардаги ерлар таркибига кирган ҳудудларда жойлашганда;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизматининг ҳудудий органларига — бўш ер участкаси автомобиль турар жойлари ва йўл ҳаракати хавфсизлигига таъсир қиладиган бошқа объектлар учун ажратилганда.

Ер участкаларининг жойлашуви уларнинг бош режаларида, шунингдек батафсил режалаштириш лойиҳаларида белгиланган ҳамда шаҳарсозлик ҳужжатларида назарда тутилган функционал мақсадига мос келадиган аҳоли пунктларидаги ер участкалари ажратиш материаллари бўйича давлат санитария-эпидемиология назорати хизматининг ҳамда ички ишлар органлари ёнғин хавфсизлиги бўлимининг хулосаларини олиш талаб этилмайди.

22. Ваколатли ташкилотлар йиғма жилд келиб тушган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида йиғма жилдни келишади ёки тегишли хулосалар беради.

23. Ваколатли ташкилотнинг хулосаси «YERELEKTRON» ААТ орқали ваколатли ташкилотнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган электрон шаклда ёки хулосанинг кўчирилган нусхаси тарзида туман (шаҳар), Тошкент шаҳар ҳокимлигига юборилади. Бунда ижобий ёки салбий хулоса берилиши мумкин.

Ижобий хулосада ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи эгасига нисбатан шаҳарсозлик, санитария, табиатни муҳофаза қилиш, ёнғинга қарши ва бошқа норма ҳамда қоидаларга риоя этиш талаблари баён этилади.

Салбий хулосада меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатнинг муайян нормасига таянган ҳолда бўш ер участкасини ажратиш имкони йўқлигининг асосланган сабаблари кўрсатилади.

24. Ер участкалари ажратиш материалларини келишиш тегишли ер участкаси бўйича розилик резолюциясини ваколатли ташкилотнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқлаш йўли билан «YERELEKTRON» ААТ орқали амалга оширилади.

Келишув ҳеч қандай изоҳлар ва шартларсиз амалга оширилади.

Келишув рад этилган ҳолатда, туман (шаҳар), Тошкент шаҳар ҳокимлигига «YERELEKTRON» ААТ орқали ваколатли ташкилотнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган электрон ҳужжат тарзда хат ёки хатнинг кўчирилган нусхаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатнинг муайян нормасига таянган ҳолда, бўш ер участкасини ажратиш имкони йўқлигининг асосланган сабабларини кўрсатиб юборилади.

25. Ваколатли орган билан келишилмаганда ёки салбий хулоса олин-



ганда, туман (шаҳар), Тошкент шаҳар ҳокимлиги ер участкаси ажратиш материалларини қайта ишлаб, уларни ушбу Низомга мувофиқ такроран келишиш (улар бўйича хулоса олиш) ҳуқуқига эга.

26. Ваколатли ташкилотлар салбий хулоса берган тақдирда ёки келишувни рад этиш тўғрисида хат йўллаган тақдирда, туман (шаҳар), Тошкент шаҳар ҳокимлиги ваколатли ташкилотларнинг эътирозларидан келиб чиққан ҳолда уч иш куни давомида ер участкасининг жойлашган жойини ва ер участкаси ажратиш материалларини қайта кўриб чиқиб, ваколатли ташкилотларнинг хулоса ва хатларини илова қилган ҳолда уларни давлат корхонасининг филиалига, Тошкент шаҳар давлат корхонасига қайта ишлаш учун юборади.

Бундай ҳолатларда давлат корхонасининг филиали, Тошкент шаҳар давлат корхонаси уч иш куни давомида ер участкасини ажратиш материалларини қайта ишлайди ва туман (шаҳар), Тошкент шаҳар ҳокимлигига такроран юборади.

Бунда ер участкаси ажратиш материалларини қайта ишлаш ва янгиланган материаллар тайёрлаш ишлари учун тўлов ундирилмайди.

27. Ажратиладиган ер участкасининг жойлашган жойи қайта кўриб чиқилгандан сўнг ва қайта ишланган материаллар олингач, туман (шаҳар), Тошкент шаҳар ҳокимлиги кейинги иш кунидан кечиктирмасдан ер участкаси ажратиш материалларини ушбу Низомнинг 17 — 24-бандларида белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун ваколатли ташкилотларга такроран юборади.

Бунда такроран юборилган ер участкаси ажратиш материаллари икки иш кунида кўриб чиқилиши керак.

#### **4-боб. Туман (шаҳар), Тошкент шаҳар ҳокими томонидан қарор қабул қилиш тартиби**

28. Қурилиш органининг ижобий хулосаси, Кенгашнинг келишиши ва ваколатли ташкилотларнинг ижобий хулосалари ва келишувлари олингандан кейин туман (шаҳар), Тошкент шаҳар ҳокими икки кун муддатда ер участкаси ажратиш ҳақида қарор қабул қилади.

Ер участкаси ажратиш ҳақидаги қарорда қуйидаги масалалар акс эттирилган бўлиши керак:

маҳаллий давлат ҳокимияти органининг қарорида назарда тутилган объектни қуриш шартлари;

ер участкаси кимга, қандай мақсадларда ва қандай муддатга (ер участкаси муайян муддатга вақтинча фойдаланишга ва ижарага берилганда аниқ муддат кўрсатилади) берилади, шунингдек, мавжуд бўлган тақдирда — олиб қўйилаётган (сотиб олинаётган) ер эгалари, мулкдорлари, фойдаланувчилари ва ижарачиларининг номи;

берилаётган ер участкасининг умумий майдони, ер турлари (мавжуд бўлган тақдирда), ер эгалари, мулкдорлар, фойдаланувчилар ва ижарачилар бўйича;

ер участкаларининг эгалари, мулкдорлари, фойдаланувчилари ва ижарачиларига қопланиши керак бўлган зарарлар (мавжуд бўлган тақдирда) миқдорлари ва уларни қоплаш муддатлари;

кишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари (мавжуд бўлган тақдирда) миқдорлари ва уларни қоплаш муддатлари;

ер участкасини рекультивация қилиш зарурати, ер участкасининг у олиб кўйилган эгалари, мулкдорлари, фойдаланувчилари ва ижарачиларига қайтариш шартлари (мавжуд бўлган тақдирда);

тупроқнинг унумдор қатламини олиб ташлаш зарурати (мавжуд бўлган тақдирда);

сув муҳофазаси, экологик, ёнғинга қарши, санитария шартлари ва талаблари (зарурат бўлганда).

Туман (шаҳар) ҳокимининг ер участкаси ажратиш ҳақидаги қарорига унинг ажралмас қисми сифатида ажратиладиган ер участкасининг чегаралари плани илова қилинади.

**5-боб. Ер участкалари ажратиш тўғрисида қарор қабул қилиш туман (шаҳар) ҳокимининг ваколатига кирмайдиган ер участкалари ажратиш бўйича материалларни келишиш тартиби**

29. Ер участкаси ажратиш тўғрисида қарор қабул қилиш туман (шаҳар) ҳокими ваколатига кирмаган тақдирда, туман (шаҳар) ҳокимлиги ваколатли ташкилотларнинг ижобий келишуви ёки ижобий хулосаси олингандан сўнг ер участкаси ажратиш учун кейинги иш кунидан кечикмасдан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига тақдимнома юборади.

30. Тақдимномага қуйидагилар илова қилинади:

ушбу Низомнинг 14-бандида назарда тутилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда ер участкаси ажратиш ҳақидаги ҳужжатлар йиғма жилди; ваколатли ташкилотларнинг хулосалари ва келишувлари.

Тақдимнома ва унга илова қилинган ҳужжатлар «YERELEKTRON» ААТ орқали электрон рақамли имзо билан тасдиқланган электрон шаклда ёки уларнинг кўчирилган нусхалари юборилади.

31. Тақдимномада қайд этилган ер участкаси ажратиш тўғрисида қарор қабул қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, туман (шаҳар) ҳокими ваколатига кирган тақдирда, тақдимнома ва унга илова қилинган ҳужжатлар келиб тушгандан сўнг уч иш кунда уларни кўриб чиқади ва қуйидагилар ҳақида қарор қабул қилади:

тақдим этилган материалларга мувофиқ ер участкаси ажратиш тўғрисида; ер участкасининг жойлашган жойи ўзгартирилгандан кейин ер участкаси ажратилиши мумкинлиги тўғрисида асосланган сабабларни кўрсатган ҳолда; асосланган сабабларни кўрсатган ҳолда ер участкаси ажратишни рад этиш тўғрисида.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қарори кейинги иш кунидан кечиктирмасдан «YERELEKTRON» ААТ орқали тегишли тақдимнома киритган туман (шаҳар) ҳокимлигига юборилади.

32. Ер участкаси ажратиш тўғрисида қарор қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколатига кирган тақдирда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимлиги тақдимнома ва унга илова қилинган ҳужжатларни олгандан сўнг кейинги кундан кечиктирмасдан «YERELEKTRON» ААТ орқали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ер участкалари ажратиш масаласини кўриб чиқиш ҳақида хат юборади.

Хатга туман (шаҳар) ҳокимлигининг тақдимномаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимлигининг қарори лойиҳаси ва ушбу Низомнинг 30-бандида назарда тутилган ҳужжатлар илова қилинади.

Агар ер участкаси ажратиш тўғрисида қарор қабул қилиш Тошкент шаҳар ҳокими ваколатига кирмаса, у ҳолда Тошкент шаҳар ҳокими ваколатли ташкилотларнинг ижобий келишуви ёки ижобий хулосасини олгандан сўнг кейинги иш кунидан кечиктирмасдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ўз қарорининг лойиҳасини, ҳужжатлар йиғма жилдини ва ваколатли ташкилотларнинг ижобий келишувлари ёки ижобий хулосалари бўйича материалларни илова қилган ҳолда хат юборади.

33. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси беш иш куни мобайнида йиғма жилд ва материалларни кўриб чиқади ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг қарори лойиҳасини ер участкаси жойлашган жойи бўйича тегишли комплекс раҳбари томонидан виза қўйиш йўли билан келишади ҳамда уни кейинги иш кунидан кечиктирмасдан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, Тошкент шаҳри ҳокимлигига, шунингдек, тегишли тақдимномани киритган туман (шаҳар) ҳокимлигига юборади.

Истисно ҳолатларда, қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қарор чиқарилади.

Туман (шаҳар), Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишиб олингандан кейин бир иш куни давомида ҳужжатлар тўпламини ва ваколатли ташкилотларнинг ижобий келишувлари ёки ижобий хулосалари бўйича материалларни, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, Тошкент шаҳри ҳокимлигининг қарорини илова қилган ҳолда, давлат корхонаси филиалига, Тошкент шаҳар давлат корхонасига юборади.

34. Танланган ер участкасининг жойлашган жойига розилик берилмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатлар йиғма жилдини кўриб чиққандан кейин бир кун давомида асосланган сабабларни кўрсатган ҳолда, «YERELEKTRON» ААТ орқали Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига, шунингдек тегишли тақдимнома киритган туман (шаҳар) ҳокимлигига хат юборади.

35. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимлари ушбу Низом 31-бандининг учинчи хатбошида назарда тутилган қарорни чиқарганда ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси розилик бермаган ҳолатларда, туман (шаҳар) ҳокимлиги уч иш куни давомида ер участкасининг жойлашган жойини қайта кўриб чиқади ҳамда ер участкасини ажратиш материалларини ваколатли ташкилотлар билан ушбу Низом-

нинг 16 — 27-банларида белгиланган тартибда келишиш (хулоса олиш) учун такроран юборади.

Бунда, ер участкасини танлаш бўйича такроран юборилган материаллар ваколатли ташкилотлар томонидан икки иш кунида кўриб чиқилиши лозим.

Ваколатли ташкилотлар билан ер участкаси ажратиш материаллари келишилгандан (хулоса олингандан) сўнг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ушбу Низомнинг 29 — 34-бандларида белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун такроран юборилади.

### **6-боб. Ер участкаларини бериш**

36. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ер участкаси бериш ҳақидаги қарори асосида давлат корхонаси филиали, Тошкент шаҳар давлат корхонаси, қурилиш бўлими, қурилиш бош бошқармаси ҳамда «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК лойиҳа-қидирув ташкилоти филиали билан биргаликда уч иш куни давомида ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширади.

Ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилаш ва участка чегараларини киритган ҳолда ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилаш далолатномасини тайёрлаш бўйича ишларни бажариш учун энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдоридан ҳақ ундирилади ва тўлов қўйидагича тақсимланади:

энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдоридан сумма — Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг туман (шаҳар) филиали ҳисоб рақамига;

энг кам ойлик иш ҳақининг 80 фоизи — қурилиш бўлими ҳисоб рақамига;

энг кам ойлик иш ҳақининг 20 фоизи — «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК лойиҳа-қидирув ташкилоти филиали ҳисоб рақамига йўналтирилади.

37. Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари тўлангандан, шунингдек, ер участкалари давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан фуқаролар ва юридик шахслар зарарлари қоплангандан кейин давлат корхонаси филиали икки иш куни давомида белгиланган тартибда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиши.

38. Ажратилган ер участкасида қурилишни бошлашга ёки давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун белгиланган бошқа мақсадларда фойдаланишга фақат ер участкасига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин йўл қўйилади.

### **7-боб. Яқунловчи қондалар**

39. Ер участкаларини беришда юзага келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

40. Ушбу Низом талабларини бузган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил 28 январдаги 63-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 июндаги 493-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини электрон аукцион орқали доимий фойдаланишга бериш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Қуйидаги мазмундаги 70<sup>1</sup>-банд қўшилсин:

«70<sup>1</sup>. Аукцион иштирокчиларига навбатдаги ставкани дастлаб белгиланган қадамдан 5, 10 ёки 20 барабар миқдорда мустақил белгилаш имконияти берилади».

2. 79-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«махсус бланкада аукцион натижалари ҳақидаги баённомани расмийлаштиради, уни муҳр билан тасдиқлайди ва бир нусхасини аукцион ғолибига топширади (ёки аукцион ғолибининг розилигига кўра почта жўнатмаси билан юборади). Бир вақтнинг ўзида баённоманинг электрон нусхаси ғолибининг шахсий кабинетига ва туман (шаҳар) ҳокимлигига «YER ELEKTRON» ААТ ёки ягона ҳимояланган «Е-ХАТ» электрон почтаси орқали юборилади».

3. 87-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«87. Туман (шаҳар) ҳокимлиги, ер участкасини реализация қилишдан маблағлар келиб тушгандан сўнг бир иш куни мобайнида:

пул маблағларини (ер участкасини танлаш материалларини тайёрлаш бўйича хизматлар учун тўлов суммасини чегирган ҳолда) Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг ва тегишли маҳаллий бюджетларнинг махсус вазначилик ҳисобварақларига ўтказади;

ер участкасини танлаш материалларини тайёрлаш бўйича хизматлар учун тўлов суммасини тегишли ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг банк ҳисоб рақамига ўтказади, уларнинг 20 фоизи «Давергеодезкадастр» қўмитасининг Ер муносабатлари ва давлат кадастрини ривожлантириш жамғармасининг махсус вазначилик ҳисоб рақамига (4001) йўналтирилади».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**89 Ўзбекистонда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш ва аҳолини жисмоний тарбия ва оммавий спортга жалб этиш тўғрисида\***

Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишни тизимли йўлга қўйиш, жамиятда соғлом турмуш тарзи тамойилларини янада кучайтириш, ўсиб келаётган ёш авлодни зарарли одатлардан асраш ҳамда ҳар бир маҳалла, таълим муассасалари, меҳнат жамоалари ва бошқаларда жисмоний тарбия ва спорт фаолиятини самарали ташкил этиш тизимини шакллантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг аҳолининг ёшига қараб, умумий жисмоний тайёргарлигини белгиловчи спорт меъёрларини ўз ичига олган «Алпомиш» ва «Барчиной» тестларининг аҳолининг кенг қатламлари ўртасида мусобақа тарзида доимий равишда ўтказилишини ташкил қилиш ҳамда ғолиб ва совриндорларнинг III, II, ва I даражали кўкрак нишонлари билан рағбатлантирилишига доир таклифлари маъқулланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қўйидагилар:

Аҳолининг жисмоний тайёргарлиги ва саломатлиги даражасини белгиловчи «Алпомиш» ва «Барчиной» махсус тестларини қабул қилиш ва мусобақаларини ўтказиш тартиби тўғрисида низом 1-иловага мувофиқ;

«Алпомиш» ва «Барчиной» кўкрак нишонлари тўғрисида низом 2-иловага мувофиқ;

«Алпомиш» ва «Барчиной» кўкрак нишонлари ва гувоҳномаларининг тавсифи 3-иловага мувофиқ;

Ўзбекистонда спортнинг оммавийлигини янада ошириш мақсадида миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури 4-иловага\*\* мувофиқ;

Спортнинг ўйин турларини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури 5-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги аҳолининг умумий жисмоний тайёргарлиги ва саломатлиги даражасини белгиловчи «Алпомиш» ва «Барчиной» махсус тестларини мусобақа шаклида қабул қилиш, «Алпомиш» ва «Барчиной» кўкрак нишонлари ва гувоҳномаларини

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 30 январда эълон қилинган.

\*\* 4-5-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тайёрлаш ҳамда ғолиб ва совриндорларни тақдирлаб бориш чораларини кўрсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, «Алпомиш» ва «Барчиной» кўкрак нишонлари ва гувоҳномаларини тайёрлаш учун зарур маблағлар Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан қопланади.

5. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси билан биргаликда 2019 йилнинг 10 февралдан бошлаб барча телеканаллар эфирида ҳар куни уч марта (эрталаб, кундузги ва кечки) 3 — 5 дақиқадан иборат оммавий бадантарбия машғулотлари видеороликлари намойишини жорий этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар иш вақти давомида ишлаб чиқариш гимнастикаси билан шуғулланишлари ҳақидаги маълумотларни ҳар чоракда умумлаштириш вазифаси юклатилсин.

7. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига босма ва электрон оммавий ахборот воситаларини, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғини кенг жалб этган ҳолда, аҳоли ўртасида ушбу қарорнинг мақсад ва вазифаларини мунтазам равишда, ҳар томонлама ёритиш тавсия этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдухакимов ҳамда Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазири Д.Х. Набиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 29 январь,  
65-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил 29 январдаги 65-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Аҳолининг жисмоний тайёргарлиги ва саломатлиги  
даражасини белгиловчи «Алпомиш» ва «Барчиной» махсус  
тестларини қабул қилиш ва мусобақаларини ўтказиш  
тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом аҳолининг жисмоний тайёргарлиги ва саломатлиги даражасини белгиловчи «Алпомиш» ва «Барчиной» махсус тестларини қабул қилиш ва мусобақаларини ўтказиш тартибини белгилайди.

2. «Алпомиш» махсус тестлари эркаклар учун, «Барчиной» махсус тестлари эса аёллар учун қўлланилади.

3. «Алпомиш» ва «Барчиной» махсус тестлари (кейинги ўринларда махсус тестлар деб аталади) Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг жисмоний тайёргарлиги юзасидан давлат талабини белгилайди.

4. Махсус тестлар Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг турли ёш гуруҳларининг (6 — 70 ёш ва ундан катталар) (кейинги ўринларда ёш гуруҳлари деб аталади) жисмоний тайёргарлигини аниқлайди.

Махсус тестлар мураккаблик даражаси аҳолининг ёши ва жинсига кўра, бир-биридан фарқланувчи тўрт поғонада белгиланади.

Бунда «Ҳисоб» мураккаблик даражаси ҳамда III, II ва I даражали кўкрак нишони талаблари назарда тутилади.

«Ҳисоб» мураккаблик даражасини бажарган иштирокчига кўкрак нишони берилмайди, III, II ва I даражали кўкрак нишони талабларини бажарган фуқароларга тегишли спорт разрядлари ва унвонлари белгиланади.

5. Жисмоний имкониятлари чекланган фуқаролар учун махсус тестлар шартлари ташкилотчилар томонидан соғлиқни сақлаш ва соҳага оид бошқа тегишли ташкилотлар билан келишиб ишлаб чиқилган ҳолда ўтказилади.

6. Махсус тестлар бўйича вазирликлар, идора ва бошқа ташкилотлар, таълим муассасалари, меҳнат жамоалари (кейинги ўринларда ташкилотлар деб аталади) даражасида махсус тестлардан ўтиш вақтида бетоблиги ёки бошқа сабабларга кўра иштирок эта олмаган ўқувчи, раҳбар, ишчи-ходимларнинг махсус тестлар талабларини бошқа кун топширишларига рухсат этилади, лекин улар томонидан юқори натижалар кўрсатилса ҳам ўтган мусобақанинг ғолиб ва совриндорлари таркибига қўйилмайди.

7. Махсус тестлар қўйидагиларга асосланади:

- а) ихтиёрийлик ва ҳаммабоплик;
- б) аҳолини соғломлаштириш ва жисмоний ҳаракатланишга йўналтириш;
- в) тиббий назоратдан ўтиш мажбурияти;
- г) миллий кадриятлар ва ҳудудларнинг ўзига хослиги.



8. Махсус тестлар ҳар бир ёш тоифаси бўйича йилига икки марта қабул қилинади:

махсус тестларни биринчи қабул даврида иштирокчининг жисмоний имконияти аниқланади (тайёргарлик синови);

махсус тестларни иккинчи қабул даврида иштирокчининг жисмоний ҳолатидаги (тайёргарлик синови даврига нисбатан) ўзгариш аниқланиб, натижа белгиланади.

### **2-боб. Махсус тестларнинг мақсади ва вазифалари**

9. Махсус тестларнинг мақсади аҳолининг барча қатламлари ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш орқали уларни жисмоний ҳамда интеллектуал жиҳатдан камол топтириш, жисмоний қобилияти ва ҳаракат фаоллигини такомиллаштириш, жисмоний ва руҳий баркамолликка эриштириш, меҳнатга лаёқатини ошириш, зарарли одатлар ҳамда турли касалликларнинг олдини олиш ва соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш, спорт мусобақалари орқали ёшларда ирода, ўз кучи ва имкониятларига ишонч каби фазилатларни мустаҳкамлаш, уларда жасорат, Ватанга бўлган ватанпарварлик ва садоқат хислатларини ривожлантириш, ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаш бўйича тизимли ишларни ташкиллаштиришдан иборат.

10. Махсус тестларнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

а) жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчи фуқаролар сафини кенгайтириш;

б) аҳолининг жисмоний имкониятлари даражасини ошириш;

в) аҳолининг жисмонан бақувват, баркамол ва соғлом бўлишига, уларнинг спорт билан чиниқишига, жисмоний тарбия ва спортни кундалик турмуш тарзига сингдиришга эришиш;

г) аҳолининг алоҳида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш бўйича билим ва кўникмаларини ошириш;

д) юртимизнинг чекка ҳудудлари ва қишлоқларида соғломлаштириш ишларини янада ривожлантириш;

е) ўқувчи ёшларни, айниқса қизларнинг жисмонан бақувват, баркамол ва соғлом бўлишига, уларнинг спорт билан чиниқишига, жисмоний тарбия ва спортни кундалик турмуш тарзига сингдиришга ҳисса қўшиш;

ж) ўсиб келаётган ёш авлод томонидан соғлом турмуш тарзига амал қилиш, маънавий ва жисмоний комиликка эришиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга ҳавасини ошириш.

### **3-боб. Махсус тестларнинг тизими**

11. Махсус тестлар қуйидаги 12 та ёш тоифасидаги гуруҳга бўлинади:

1-гуруҳ — 6 — 8 ёшдагилар;

2-гуруҳ — 9-10 ёшдагилар;

3-гуруҳ — 11-12 ёшдагилар;

- 4-гурух — 13 — 15 ёшдагилар;
- 5-гурух — 16-17 ёшдагилар;
- 6-гурух — 18 — 25 ёшдагилар;
- 7-гурух — 26 — 33 ёшдагилар;
- 8-гурух — 34 — 41 ёшдагилар;
- 9-гурух — 42 — 49 ёшдагилар;
- 10-гурух — 50 — 59 ёшдагилар;
- 11-гурух — 60 — 69 ёшдагилар;
- 12-гурух — 70 ёш ва ундан катта ёшдагилар.

12. Аҳолининг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш махсус тестларда белгиланган шартларнинг (кейинги ўринларда матнда синовлар деб аталади) бажарилиши асосида амалга оширилади. Бундай синовлар инсоннинг жинси ва ёшига нисбатан унинг асосий жисмоний ривожланиш сифати, ҳаракатланиш билимлари ҳамда кўникмаларини намоён қилади.

13. Синов турлари иккига бўлинади, улар мажбурий синовлар ва ихтиёрий синовлардан иборат.

14. Мажбурий синовлар белгиланган поғона ва мураккаблик даражаси асосида қуйидаги жисмоний сифатларни ривожлантиришга қаратилган:

- а) чидамлилиқ имкониятларининг ривожланиш даражаси;
- б) куч имкониятларининг ривожланиш даражаси;
- в) эгиловчанлик имкониятларининг ривожланиш даражаси.

15. Ихтиёрий синовлар белгиланган поғона ва мураккаблик даражаси асосида қуйидаги жисмоний сифатларни ривожлантиришга қаратилган:

- а) тезлик ва кучланиш имкониятларининг ривожланиш даражаси;
- б) ҳаракатларни мувофиқлаштирувчи қобилиятининг ривожланиш даражаси;
- в) эгаллаган амалий кўникмаларининг ривожланиш даражаси.

### **1-§. Махсус тестлар бўйича мусобақаларни ташкил этиш**

16. Махсус тестлар бўйича мусобақалар (кейинги ўринларда матнда мусобақа деб аталади) белгиланган режа ва тасдиқланган Низом асосида ўтказилади.

17. Мусобақани ташкил этиш ва ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ёки унинг ҳудудий бошқармалари билан ҳамкорликда ўтказилади.

18. Мусобақалар қуйидаги миқёсларда ташкиллаштирилиши мумкин:
- а) маҳаллалар, маҳаллалараро ва туманлар (шаҳарлар);
  - б) Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар;
  - в) ташкилотлар;
  - г) республика.

19. Мусобақалар:

маҳалла, маҳаллалараро ва туман (шаҳар) миқёсида ўтказиладиган мусобақалар Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг туман (шаҳар) бўлим-

лари томонидан тасдиқланиб, маҳалла ва туман (шаҳар) ҳокимлиги билан келишилган низом асосида;

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар миқёсида ўтказиладиган мусобақалар Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг ҳудудий бошқармалари ва Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан тасдиқланиб, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари билан келишилган низом асосида;

ташкilotлар миқёсида ўтказиладиган мусобақалар (ташкilotлар ҳудудий жойлашувига мувофиқ) Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг туман (шаҳар) бўлимлари билан келишилган ҳолда ташкilot раҳбари томонидан тасдиқланган низом асосида;

Ўзбекистон Республикаси миқёсида ўтказиладиган мусобақалар Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан тасдиқланган низом асосида ташкilot этилиб, ўтказилади.

20. Аҳолининг жисмоний тайёргарлиги ва саломатлиги даражасини белгиловчи «Алпомиш» ва «Барчиной» махсус тестлари мусобақаларини ўтказиш мазкур Низомнинг 4-илоvasида\* келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

21. Мусобақада қатнашиш ихтиёрий бўлиб, унда қатнашиш истагини билдирган 6 ёш ва ундан катта ёшдаги барча фуқаролар иштирок этишлари мумкин.

22. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари билан ҳамкорликда ташкilot этилган мусобақаларда ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш мусобақа низомида белгиланган тартибда амалга оширилади.

23. Мусобақа ўтказиладиган ташкilotда ташкilot раҳбари томонидан мусобақаларни ўтказиш ишчи гуруҳи (кейинги ўринларда Ишчи гуруҳ деб аталади) тузилади. Ишчи гуруҳнинг таркиби ташкilot раҳбари томонидан тасдиқланади. Ишчи гуруҳ таркибига Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ёки Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари ходимлари орасидан тегишли спорт тури бўйича вакиллар киритилиши шарт.

24. Қуйидагилар Ишчи гуруҳнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

мусобақада қатнашиш истагини билдирган шахсларни мусобақа шартлари билан таништириш ҳамда уларнинг рўйхатини шакллантириш ва юриштиш;

мусобақани ташкilot этиш ва ўтказиш;

мусобақа жараёни ва натижаларини расмийлаштириш;

мусобақа ғолибларини тақдирлашни ташкilot этиш.

Ишчи гуруҳ мусобақа ўтказиладиган сана, ўтиш жойи, режаси ва шарт-

---

\* 4-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лари бўйича маълумотлар тўғрисида мусобақа ўтказилишидан камида бир ой олдин эълон берилишини таъминлайди.

## 2-§. Мусобақани ўтказиш

25. Мусобақа мазкур Низомнинг 1-илоvasида\* белгиланган шартлар ва Низомнинг 2-илоvasида\* белгиланган махсус тестларни ўтказиш бўйича ташкилий-методик кўрсатмаларга мувофиқ мажбурий синовларда белгиланган поғона ва мураккаблик даражаси асосида ёки ихтиёрий синовлар белгиланган поғона ва мураккаблик даражаси асосида эркак ва аёллар учун алоҳида шартлар бўйича ўтказилади.

26. Мусобақа иштирокчиларининг натижалари Ишчи гуруҳ аъзолари томонидан мазкур Низомнинг 3-илоvasига\* мувофиқ шаклдаги мусобақа иштирокчиларининг натижаларини қайд этиш намуналарига асосан шу вақтнинг ўзида ёзиб расмийлаштирилади.

27. Мусобақани қўйида белгиланган ёш тоифалари асосида, уч босқичда ўтказиш тавсия этилади:

1-босқич — 6 ёшдан 17 ёшгача;

2-босқич — 18 ёшдан 33 ёшгача;

3-босқич — 34 ёш ва ундан катта ёшда бўлганлар учун.

28. Мусобақада иштирок этувчиларнинг рўйхати Ишчи гуруҳ томонидан шакллантирилади. Бунда мусобақада қатнашиш истагини билдирган шахслар Ишчи гуруҳга ариза билан мурожаат қилади ва соғлиғи юзасидан тегишли маълумотномани тақдим қилган ҳолда рўйхатга киритилади.

29. Мусобақани ўтказишда тегишли спорт тури бўйича малакали мутахассислар ва ҳакамлар келишув асосида жалб қилиниши мумкин.

## 4-боб. Голиб ва совриндорларни тақдирлаш тартиби

30. Мусобақани ўтказиш ва голибларни аниқлаш баённома билан расмийлаштирилади.

31. Мусобақанинг маҳалла, туман (шаҳар), Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, Ўзбекистон Республикаси босқичларининг голиб ва совриндорларига Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан белгиланган тартибда «Алпомиш» ва «Барчиной» кўкрак нишонлари (гувоҳномаси билан) топширилади ҳамда ташкилотларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланиши мумкин, шунингдек махсус тестларни топшириш жараёнида рекордлар аниқланади.

32. «Алпомиш» ва «Барчиной» кўкрак нишонлари ва гувоҳномаларини тайёрлаш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан қопланади.

---

\* 1 — 3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

**5-боб. Якуний қоида**

33. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил 29 январдаги 65-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**«Алпомиш» ва «Барчиной» кўкрак нишонлари  
билан тақдирлаш тўғрисида  
НИЗОМ****1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом «Алпомиш» ва «Барчиной» кўкрак нишонлари (кейинги ўринларда кўкрак нишони деб аталади) билан тақдирлаш тартибини белгилайди.

2. Кўкрак нишони билан мамлакатимизнинг аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишни тизимли йўлга қўйиш, аҳолининг барча қатламларини жисмоний тарбия ва оммавий спортга жалб этишда муносиб ҳисса қўшган ҳамда «Алпомиш» ва «Барчиной» махсус тестлари бўйича мусобақаларда юқори натижаларни қўлга киритган шахслар тақдирланадилар.

3. Кўкрак нишони билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланиши мумкин.

4. Мусобақанинг маҳалла, туман (шаҳар), Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, Ўзбекистон Республикаси босқичларининг ғолиб ва совриндорлари Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (кейинги ўринларда Вазирлик деб аталади) томонидан «Алпомиш» ва «Барчиной» кўкрак нишонлари билан тақдирланади.

**2-боб. «Алпомиш» ва «Барчиной» кўкрак нишонлари билан  
тақдирлаш учун ҳужжатларни тақдим этиш тартиби**

5. Ушбу Низомнинг 1-бандига мувофиқ:

I даражали кўкрак нишони билан «Алпомиш» ва «Барчиной» махсус тест ва мусобақаларида биринчи ўринни эгаллаган шахслар;

II даражали кўкрак нишони билан «Алпомиш» ва «Барчиной» махсус тест ва мусобақаларида иккинчи ўринни эгаллаган шахслар;

III даражали кўкрак нишони билан «Алпомиш» ва «Барчиной» махсус тест ва мусобақаларида учинчи ўринни эгаллаган шахслар тақдирланадилар.

6. «Алпомиш» кўкрак нишони билан эркаклар ҳамда «Барчиной» кўкрак нишони билан аёллар тақдирланадилар.

7. I даражали кўкрак нишони юқори даражали ҳисобланади. II ёки III даражали кўкрак нишони билан тақдирланганлар кейинчалик унинг юқори даражалари билан босқичма-босқич мукофотланиши мумкин. Бир ёш тоифасида бир хил даражадаги кўкрак нишони тақдоран берилмайди.

8. «Алпомиш» ва «Барчиной» махсус тестлари бўйича мусобақаларнинг ғолиб ва совриндорларини I, II ва III даражали кўкрак нишонлари билан тақдирлаш бўйича киритилган талабномалар асосида қонун ҳужжатларига мувофиқ Вазирлик томонидан амалга оширилади.

### **3-боб. Якунловчи қоидалар**

9. Вазирлик ушбу Низомга мувофиқ кўкрак нишонига тавсия этилган номзодларнинг ҳужжатлари ҳолис кўриб чиқилиши учун бевосита жавобгардир.

10. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил 29 январдаги 65-сон қарорига  
3-ИЛОВА

### **«Алпомиш» кўкрак нишони ТАВСИФИ**

«Алпомиш» кўкрак нишони диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлиб, мис қотишмасидан тайёрланади.

«Алпомиш» кўкрак нишонининг олд томони чегара қисмидан 5 миллиметр ораликда эни 1,5 миллиметр қалинликда ички доира шаклида бўлган сариқ рангли хошия билан ўралган. Хошиянинг ичида, кўкрак нишони олд юқори қисмида босма ҳарфлар билан «ALPOMISH» сўзи латин алифбосида (катта ҳарфларда, «Times new Roman Bolt» шрифти, 16-кегль) жигарранг ва сариқ ранглар аралашмасидан ҳосил бўлган рангда ёзилган.

«ALPOMISH» сўзи бошланиши ва якунида 4 миллиметр катталиқда ер юзида тинчлик учун хизмат қилувчи билим ва маънавиятни янада бойитишни ифодаловчи саккиз қиррали юлдуз рамзи туширилган. Кўкрак нишонининг олд паст қисмида 8 миллиметр катталиқда саккиз қиррали юлдуз рамзи туширилган.

Пастки саккиз қиррали юлдуз ичида рим рақамида узунлиги 6 миллиметр, қалинлиги 2 миллиметрлик «I», «II» ёки «III» рақами тасвири қора хошияда тушурилган. Кўкрак нишонининг олд паст қисмида жойлашган юлдузнинг ўнг ва чап томони юқорида жойлашган саккиз қиррали юлдузгача тинчлик рамзини ифода этувчи лавр барги тасвиридаги чамбар жигарранг ва сариқ ранглар аралашмасидан ҳосил бўлган рангда туширилган.

Кўкрак нишонининг маркази тинчлик, софлик рамзи бўлган яшил ранг

билан қопланган. Кўкрак нишонининг марказида «Алпомиш» достонининг бош қаҳрамони — мардлик, жасурлик, эпчиллик, чакқонлик, шижоат ва ватанпарварлик, комиллик ва эзгулик тимсоли бўлган Алпомишнинг Бойчибор отида қўлида камон ушлаб турган тасвири ифодаланган. Алпомишнинг юзи оқ, соқоли қора, қўлларидаги ҳимоя кийими ва оёғидаги этиги ҳамда отининг эгари кизғиш, совути ва камони оқ ва қора рангдан ҳосил бўлган оч рангда тасвирланган.

Алпомишнинг Бойчибор лақабли отининг думи, ёли, тумшугининг олд қисми ҳамда туёқлари оқ ва қора рангдан ҳосил бўлган оч рангда тасвирланган. Отнинг ўзи оқ ранда, оёғининг ўнг орқа оёғи қорамтир рангда тасвирланган.

Кўкрак нишонининг қалинлиги 2.2 миллиметр.

Кўкрак нишонининг олд ва орқа томонларининг четлари қабарик доира билан ўралган.

Нишоннинг орқа томонига кийимга тақиб қўйиш учун тўғнағич мослама ўрнатилган.

### «Алпомиш» кўкрак нишони

**I даражали кўкрак  
нишони**



**II даражали кўкрак  
нишони**



**III даражали кўкрак  
нишони**



### «Алпомиш» кўкрак нишони гувоҳномасининг ТАВСИФИ

«Алпомиш» кўкрак нишони гувоҳномаси 100 x 70 миллиметр ўлчамдаги тўрт бурчак шаклида бўлиб, 350 г/кв.м. қалинликдаги офсет қоғоздан тайёрланади.

Гувоҳноманинг ташқи томони мовий рангда бўлиб, унинг чегара қисмидан 5 миллиметр ораликда эни 3 миллиметр қалинликда ички тўрт бурчак шаклида бўлган тўқ кўк рангли хошия билан ўралган.

Гувоҳноманинг ташқи томони юқори қисми хошиясидан 5 миллиметр пастда кирилл алифбосида катта ҳарфлар билан «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги» деб ёзилган.

Гувоҳноманинг устки қисми марказда «Алпомиш» кўкрак нишонининг аслига тенг ўлчамда ва рангда нишоннинг тасвири акс эттирилган. Тасвир-

нинг пастки қисмида катта ҳарфлар билан «ГУВОҲНОМА» (катта ҳарфларда, «Times new Roman Bolt» шрифти, 17-кегль) сўзи ёзилган. Ёзувлар зарҳал рангда акс эттирилган.

Гувоҳноманинг иккинчи томони оқ рангда бўлиб, 5 миллиметр ораликда эни 3 миллиметр қалинликда ички тўрт бурчак шаклида бўлган тўқ кўк рангли хошия билан ўралган. Гувоҳноманинг юқори қисми чеккасидан 12 миллиметр пастда кирилл алифбосида катта ҳарфларда «Алпомиш» комплекси талабларини бажарганлиги учун» («Times new Roman Bolt» шрифти, 12-кегль) сўзлари ёзилган.

Сўзлардан 15 миллиметр пастда тақдирланадиган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исмини қайд этиш учун оралиғи 8 миллиметрли учта чизик тортилган ва учинчи чизик охирига «миқёсидаги» сўзи («Times new Roman Bolt» шрифти, 12-кегль), чизик остида («Times new Roman Bolt» шрифти, курсив, 7,5-кегль) маҳалла, ташкилот, таълим муассасаси, туман (шаҳар), вилоят, республика сўзлари ёзилган.

Ундан 5 миллиметр пастда узунлиги 5 миллиметр бўлган битта чизик тортилган, чизикдан сўнг «даражали кўрак нишони билан тақдирланади.» («Times new Roman Bolt» шрифти, 12-кегль) сўзлари ёзилган.

Ундан 15 миллиметр пастда узунлиги 80 миллиметрли битта чизик тортилган, чизик ости чап томонига «(лавозими)», ўртада «(имзо)» ва ўнг томонда «(муҳр ўрни)» курсивда («Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегль) сўзлари ёзилган.

Гувоҳноманинг иккинчи томони паст хошиядан 5 миллиметр юқори қисми чап томонидан «20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_» («Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегль) сўзлари ёзилган. Ёзувлар ва чизиклар қора рангда акс эттирилган.

### **«Алпомиш» кўрак нишони ГУВОҲНОМАСИ**





<b>«АЛПОМИШ»</b>		
<b>КОМПЛЕКСИ ТАЛАБЛАРИНИ</b>		
<b>БАЖАРГАНЛИГИ УЧУН</b>		
_____		
<small>(Ф.И.Ш.)</small>		
_____		
_____		<b>миқёсидаги</b>
<small>(Маҳалла, маҳаллалараро, туман (шаҳар), вилоят, танкилот, республика)</small>		
_____ <b>даражали кўкрак нишони билан тақдирланади.</b>		
_____	_____	_____
<small>(лавоҳим)</small>	<small>(илмзо)</small>	<small>(М.У.)</small>
20__ йил «__» _____		

### **«Барчиной» кўкрак нишони гувоҳномасининг ТАВСИФИ**

«Барчиной» кўкрак нишони диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлиб, мис қотишмасидан тайёрланади.

«Барчиной» кўкрак нишонининг олд томони чегара қисмидан 5 миллиметр ораликда эни 1,5 миллиметр қалинликда ички доира шаклида бўлган сариқ рангли хошия билан ўралган. Хошиянинг ичида, кўкрак нишони олд юқори қисмида босма ҳарфлар билан «BARCHINOY» сўзи лотин алифбосида (катта ҳарфларда, «Times new Roman Bolt» шрифти, 16-кегль) жигарранг ва сариқ ранглар аралашмасидан ҳосил бўлган рангда ёзилган.

«BARCHINOY» сўзи бошланиши ва якунида 4 миллиметр катталиқда ер юзида тинчлик учун хизмат қилувчи билим ва маънавиятни янада бойитишни ифодаловчи саккиз қиррали юлдуз рамзи туширилган. Кўкрак нишонининг олд паст қисмида 8 миллиметр катталиқда саккиз қиррали юлдуз рамзи туширилган.

Пастки саккиз қиррали юлдуз ичида рим рақамида узунлиги 6 миллиметр, қалинлиги 2 миллиметрлик «I», «II» ёки «III» рақами тасвири қора хошияда туширилган. Кўкрак нишонининг олд паст қисмида жойлашган юлдузнинг ўнг ва чап томони юқорида жойлашга саккиз қиррали юлдузгача тинчлик рамзини ифода этувчи лавр барги тасвиридаги чамбар жигарранг ва сариқ ранглар аралашмасидан ҳосил бўлган рангда туширилган.

Кўкрак нишонининг маркази тинчлик, софлик рамзи бўлган яшил ранг билан қопланган. Кўкрак нишонининг марказида «Алпомиш» достонининг қаҳрамони — аёллар тимсолидаги мардлик, жасурлик, эпчиллик, чаққонлик, шижоат ва ватанпарварлик, комиллик ва эзгулик тимсоли бўлган Бар-

чинойнинг отда ўтирган ҳолатда чап қўлида оқ рўмолча ушлаб турган тасвири ифодаланган. Барчинойнинг юзи, рўмоли ва кийими оқ, нимчаси кўкимтир, оёқ кийими, ички кийими ва отининг эгари қизғиш рангда тасвирланган. Барчиной отининг думи, ёли, тумшугининг олд қисми ҳамда туёқлари оқ ва қора рангдан ҳосил бўлган оч рангда тасвирланган. Отнинг ўзи оқ рангда, оёғининг чап орқа оёғи қорамтир рангда тасвирланган.

Кўкрак нишонининг қалинлиги 2.2 миллиметр.

Кўкрак нишонининг олд ва орқа томонларининг четлари қабарик доира билан ўралган.

Нишоннинг орқа томонига кийимга тақиб қўйиш учун тўғнағич мослама ўрнатилган.

### «Барчиной» кўкрак нишони

I даражали кўкрак  
нишони



II даражали кўкрак  
нишони



III даражали кўкрак  
нишони



### «Барчиной» кўкрак нишони гувоҳномасининг ТАВСИФИ

«Барчиной» кўкрак нишони гувоҳномаси 100 x 70 миллиметр ўлчамдаги тўрт бурчак шаклида бўлиб, 350 г/кв. м. қалинликдаги офсет қоғоздан тайёрланади.

Гувоҳноманинг ташқи томони кўк рангда бўлиб, унинг чегара қисмидан 5 миллиметр ораликда эни 3 миллиметр қалинликда ички тўрт бурчак шаклида бўлган тўқ кўк рангли ҳошия билан ўралган.

Гувоҳноманинг ташқи томони юқори қисми ҳошиясида 5 миллиметр пастда кирилл алифбосида катта ҳарфлар билан «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги» деб ёзилган.

Гувоҳноманинг устки қисми марказда «Барчиной» кўкрак нишонининг аслига тенг ўлчамда бир рангда нишоннинг тасвири акс эттирилган. Тасвирнинг пастки қисмида катта ҳарфлар билан «ГУВОҲНОМА» (катта ҳарфларда, «Times new Roman Bolt» шрифти, 17-кегль) сўзи ёзилган. Ёзувлар зарҳал рангда акс эттирилган.

Гувоҳноманинг иккинчи томони оқ рангда бўлиб, 5 миллиметр оралик-

да эни 3 миллиметр қалинликда ички тўрт бурчак шаклида бўлган тўқ кўк рангли ҳошия билан ўралган. Гувоҳноманинг юқори қисми чеккасидан 12 миллиметр пастда кирилл алифбосида катта ҳарфларда «Алпомиш» комплекси талабларини бажарганлиги учун» («Times new Roman Bolt» шрифти, 12-кегль) сўзлари ёзилган.

Сўзлардан 15 миллиметр пастда тақдирланадиган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исмини қайд этиш учун оралиғи 8 миллиметрли учта чизик тортилган ва учинчи чизик охирига «миқёсидаги» сўзи («Times new Roman Bolt» шрифти, 12-кегль), чизик остида («Times new Roman Bolt» шрифти, курсив, 7,5-кегль) маҳалла, ташкилот, таълим муассасаси, туман (шаҳар), вилоят, республика сўзлари ёзилган.

Ундан 5 миллиметр пастда узунлиги 5 миллиметр бўлган битта чизик тортилган, чизикдан сўнг «даражали кўрак нишони билан тақдирланади.» («Times new Roman Bolt» шрифти, 12-кегль) сўзлари ёзилган.

Ундан 15 миллиметр пастда узунлиги 80 миллиметрли битта чизик тортилган, чизик ости чап томонига «(лавозими)», ўртада «(имзо)» ва ўнг томонда «(муҳр ўрни)» курсивда («Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегль) сўзлари ёзилган.

Гувоҳноманинг иккинчи томони паст ҳошиядан 5 миллиметр юқори қисми чап томонидан «20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_» («Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегль) сўзлари ёзилган. Ёзувлар ва чизиклар қора рангда акс этирилган.

### «Барчиной» кўрак нишони ГУВОҲНОМАСИ



<b>«БАРЧИНОЙ» КОМПЛЕКСИ ТАЛАБЛАРИНИ БАЖАРГАНЛИГИ УЧУН</b>		
_____		
<i>(Ф.И.Ш.)</i>		
_____		
_____ миқёсидаги		
<i>(маҳалла, маҳаллалараро, туман (шаҳар), вилоят, ташкилот, республика)</i>		
<b>_____ даражали кўрак нишони билан тақдирланади.</b>		
_____		
<i>(таълим)</i>	<i>(исмо)</i>	<i>(и.ф.)</i>
<b>20__ йил «__» _____</b>		

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**90 Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикасининг «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 15 сентябрдаги 266-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 9-сон, 82-модда) билан тасдиқланган Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда улар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 31 январда эълон қилинган.

публикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 30 январь,  
66-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил 30 январдаги 66-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий  
суғурта қилиш қоидаларига киритилаётган  
ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 8-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш полиси (кейинги ўринларда суғурта полиси деб аталади) тегишли бланкада ва ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасига киритилган транспорт воситаларининг сонига тенг нусхаларда расмийлаштирилади».

2. 9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси оммавий ҳисобланади ва ташувчи ҳамда суғурталовчи ўртасида ушбу Қоидаларга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича, ушбу банднинг иккинчи хатбошида назарда тутилган ҳолатлардан ташқари, бир йил муддатга тузилади.

Йўловчиларни ва уларнинг мол-мулкани автомобилда ташишни амалга оширадиган ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси уч ойдан бир йилгача бўлган муддатга тузилиши мумкин».

3. 13-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилардаги, 14-банднинг биринчи хатбошидаги ва 16-банддаги «ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича» сўзлари чиқариб ташлансин.

4. 30-банднинг тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ташиш кунда амалда бўлган суғурта полисининг нусхасини ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасига киритилган барча транспорт воситаларига ва (ёки) ўзининг расмий веб-сайтига жойлаштириши».

5. Қоидага 4-илованинг 6-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Суғурта даври: 20\_\_ йил «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ дан 20\_\_ йил «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ гача.

**Транспорт воситалари (вагонлар) ҳақида  
МАЪЛУМОТЛАР**

Тури	Русуми ва модели	Рақамли (танитувчи) белгиси	Ишлаб чиқарувчи завод паспорти бўйича йўловчи сиғими (нафар)

».

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

### **91** Ўқувчиларни синфдан синфга ва бир умумий ўрта таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 29 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2684-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги ПҚ–3931-сон «Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 октябрдаги 789-сон «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан бериладиган тасдиқловчи ҳужжатлар турларини тубдан қисқартириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2015 йил 2 июндаги 13-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2684, 2015 йил 17 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 24-сон, 319-модда) билан тасдиқланган Ўқувчиларни синфдан синфга ва бир умумий ўрта таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Ш. ШЕРМАТОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 26 декабрь,  
17-мх-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 30 январда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
халқ таълими вазирининг 2018 йил  
26 декабрдаги 17-мх-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ўқувчиларни синфдан синфга ва бир умумий ўрта таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 14-банддан «ва яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан берилган маълумотнома» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. 26-банддаги «халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимига» деган сўзлар «туман (шаҳар) халқ таълими бўлимига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 28-банднинг еттинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

4. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан келишилган.

*Ички ишлар вазири*

*П. БОБОЖОНОВ*

*2018 йил 24 декабрь*

*Соғлиқни сақлаш вазири*

*А. ШАДМАНОВ*

*2018 йил 25 декабрь*

*Давлат тест  
маркази директори*

*М. КАРИМОВ*

*2018 йил 26 декабрь*



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**92 «Олиб чиқиладиган товарларнинг божхона қиймати декларациясини тўлдириш бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 29 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1803-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги ПФ–5582-сон «Божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилди:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2008 йил 21 апрелдаги 01-02/19-34-сон «Олиб чиқиладиган товарларнинг божхона қиймати декларациясини тўлдириш бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1803, 2008 йил 5 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 19-сон, 166-модда);

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2015 йил 7 февралдаги 01-02/19-09-сон «Олиб чиқиладиган товарларнинг божхона қиймати декларациясини тўлдириш бўйича йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1803-1, 2015 йил 17 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 7-сон, 83-модда).

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис**

**М. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 15 январь,  
01-02/15-3-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 30 январда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**93 Медиаторларни тайёрлаш дастурини тасдиқлаш  
ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
31 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3134*

Ўзбекистон Республикасининг «Медиация тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, **буюраман:**

1. Медиаторларни тайёрлаш дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Ҳукумат баённома қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Юридик таълим ва суд-экспертиза фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси ҳамда Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни барча манфаатдор шахсларга етказилишини, «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари М. Истамов зиммасига юклансин.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 31 январь,  
54-мх-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 1 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирининг 2019 йил 31 январдаги  
54-мх-сон буйруғига  
ИЛОВА

## **Медиаторларни тайёрлаш ДАСТУРИ**

Мазкур Дастур Ўзбекистон Республикаси «Медиация тўғрисида»ги Қонунининг 12-моддасига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, унинг асосий мақсади фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш муносабатлари, яқка меҳнат низолари ва оилавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга медиацияни қўллаш учун медиаторларни тайёрлаш, уларда музокаралар олиб бориш технологияси, стресс ҳолати ва келишмовчиликларни бошқариш, медиация тартиб-таомили ҳақида таянч билимлар бериш, низоларни ҳал қилиш бўйича амалий кўникмаларни шакллантиришдир.

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Медиаторларни тайёрлаш дастури бўйича махсус ўқув курслари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази (кейинги ўринларда Марказ деб юритилади) томонидан ташкил этилади.

2. Махсус ўқув курсларида таълим олиш кундузги шаклда шартнома асосида бир ойдан кам бўлмаган муддат давомида амалга оширилади.

3. Махсус ўқув курслари ўқиш учун фуқаролар ариза билан Марказга мурожаат қиладилар.

4. Махсус ўқув курсларини муваффақиятли яқунлаган тингловчиларга ушбу Дастурнинг иловасида белгиланган шаклга мувофиқ сертификат берилади.

### **2-боб. Махсус ўқув курсларини ташкил этиш**

5. Махсус ўқув курсларидаги ўқув жараёни, қоида тариқасида, 15 нафар тингловчи шаклланган академик гуруҳларда ташкил этилади.

6. Медиаторларни тайёрлаш дастури «Медиация. Таянч курси» ва «Медиацияни қўллаш хусусиятлари» ўқув дастурларидан иборат бўлади.

7. «Медиация. Таянч курси» ўқув дастури қуйидаги модуллар асосида ташкил этилади.

Т/р	Ўқув модуллари
1.	Ўзбекистон Республикасида сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнлар. Қонун ҳужжатларини амалиётда қўллаш масалалари.
2.	Медиация ишини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари. Медиаторлар фаолиятининг асосий йўналишлари ва усуллари.

Т/р	Ўқув модуллари
3.	Халқаро-ҳуқуқий стандартлар ва инсон ҳуқуқлари.
4.	Медиатор касб этикаси ва психология.

«Медиация. Медиацияни қўллаш хусусиятлари» ўқув дастури қуйидаги модуллар асосида ташкил этилади.

Т/р	Ўқув модуллари
1.	Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда медиация.
2.	Якка меҳнат ҳуқуқий муносабатларда медиация.
3.	Оилавий ҳуқуқий муносабатларда медиация.

8. Тингловчилар «Медиация. Таянч курси» ўқув дастурини тўлиқ ҳамда танлов асосида «Медиация. Медиацияни қўллаш хусусиятлари» ўқув дастури бўйича учта модулдан камида биттасини ўзлаштиришлари шарт.

Бунда медиаторларни тайёрлаш махсус ўқув курсини тугатганлиги тўғрисидаги сертификатда тингловчиларнинг «Медиация. Медиацияни қўллаш хусусиятлари» ўқув дастури бўйича ўзлаштирган модули ҳамда ихтисослиги акс этиши лозим.

9. Ўқув жараёнида ўқув машғулоти маъруза, семинар ва амалий машғулоти шаклида ташкил этилади.

Амалий машғулоти тингловчиларда муаммоли вазиятларда қонун ҳужжатлари билан ишлаш малакасини ривожлантиришга йўналтирилади.

Ўқув жараёнида клиник таълим, низоли жараёнларнинг имитацияси, сайёр машғулоти ҳамда мустақил таълим қўлланилиши мумкин.

10. Ўқув жараёнида дарс машғулотларини ташкил этишнинг амалиётга йўналтирилган замонавий шакллари — муаммоли вазиятларни ҳал этиш (кейс-стади), жамоада ишлаш («аклий ҳужум» интерфаол услубини қўлланган ҳолда ва х. к.), ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш, ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари лойиҳаларини тузиш кўникмаларини ривожлантириш машқлари ва бошқалар қўлланилади.

11. Тингловчилар ўқиш даврида электрон шаклдаги ўқув-методик материаллар билан таъминланади.

12. Тегишли ахборот-методик ва ташкилий-техник база мавжуд бўлган тақдирда махсус ўқув курслари масофадан ўқитиш усуллари қўлланилган ҳолда ташкил этилиши мумкин.

13. Тингловчилар қуйидаги ҳолатларда махсус ўқув курсидан четлаштирилади:

ўз хоҳишига кўра;

вафоти муносабати билан;

дарс машғулотларини сабабсиз 10 академик соатдан ортиқ қолдирганда;

ўқув режасидаги модулларни ўзлаштирамаганда;

Марказ ички тартиб-қоидаларини қўпол равишда бузганда.

Тингловчилар дарс машғулотларини сабабсиз қолдирганлиги, ўқув дастуридаги модулларни ўзлаштирамаганлиги ёки Марказнинг ички тартиб-қоида-

ларини бузганлиги сабабли тингловчилар сафидан чиқарилган тақдирда, мазкур тингловчи учун амалга оширилган тўлов миқдори қайтарилмайди.

14. Якуний имтиҳон тингловчининг билим ва кўникмаларини икки хил йўл билан баҳолашни ўз ичига олади:

назарий билимлар — оғзаки ёки ёзма шаклда имтиҳон олиш йўли билан;

амалий кўникмалар — низоли масалаларни медиация жараёнлари имитацияси натижалари бўйича.

15. Махсус ўқув курслари тингловчиларини баҳолашни ташкил этиш ва ўтказиш учун Марказда тегишли соҳаларнинг илғор мутахассислари орасидан тасдиқланадиган уч нафардан иборат таркибдаги комиссия шакллантирилади.

Тингловчилар билими ва ўзлаштириш даражаси 100 баллик тизимда баҳоланади.

Тингловчи белгиланган максимал баллнинг 56 фоизидан кам бўлмаган балл тўплаганда махсус ўқув курсларини ўзлаштирган ҳисобланади.

### **3-боб. Якуний қоида**

16. Мазкур Дастур талаблари бузилишида айбдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Медиаторларни тайёрлаш дастурига  
ИЛОВА

### **Медиаторларни тайёрлаш бўйича махсус ўқув курсини тугатганлиги тўғрисидаги намунавий СЕРТИФИКАТ (тавсифи)**

Сертификат А4 форматли оқ қоғозда офсет усулида беш хил рангдан фойдаланган ҳолда: матн учун — қора рангда, расмлар тасвири учун — яшил, кўк, қизил рангларда, фон учун — оч кул рангда босиб чиқарилади.

Сертификатда лотин ёзуви билан давлат тилида «O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI. Mediatorlarni tayyorlash maxsus o‘quv kursini tugatganligi to‘g‘risidagi SERTIFIKAT» сўзлари босилади. Сертификат икки лотин ҳарфи — МТ ва олти рақамли сондан иборат тартиб рақами билан таъминланган. Барча матн нақшли растрдан иборат оч кул ранг фонда босиб чиқарилади.

Сертификат:

— босиб чиқаришнинг икки усули — офсет ва юқори усули;

— ёруғлик воситасида нусха кўчиришни қийинлаштириш учун очик ранглар;

— нақшли растр;

- ҳар хил рангли растрлардан фойдаланиш йўли билан турли ранглари ташкил этиш;
- махсус қоғозлар;
- ўзгарадиган рақамлардан иборат тартиб рақами қўлланган ҳолда олтига ҳимояга эга.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
ДАВЛАТ ГЕРБИНING ТАСВИРИ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI

Mediatorlarni tayyorlash  
maxsus o'quv kursini tugatganligi to'grisidagi

SERTIFIKAT  
MT № 000000

---

(Tinglovchining familiyasi, ismi, otasining ismi)

**YURISTLAR MALAKASINI OSHIRISH MARKAZIDA**

---

\_\_\_\_\_ soatga mo'ljallangan

---

(o'quv kursning nomi)

---

(ixtisosligi)

muvaffaqiyatli tamomladi.

*Muhr o'rni*

Direktor

---

(imzo) (F.I.O.)

Sana \_\_\_\_\_  
Qayd raqami № \_\_\_\_\_

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва**  
**идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини**  
**давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2019 йил 26 январдан 1 февралгача**  
**бўлган маълумотни маълум қилади**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2018 йил 26 декабрдаги 17-мх-сон «Ўқувчиларни синфдан синфга ва бир умумий ўрта таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2019 йил 29 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2684-1.**

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 15 январдаги 01-02/15-3-сон «Олиб чиқиладиган товарларнинг божхона қиймати декларациясини тўлдириш бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори.

**2019 йил 29 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1803-2.**

3. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 31 январдаги 54-мх-сон «Медиаторларни тайёрлаш дастурини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

**2019 йил 31 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3134.**

**II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг «Олиб чиқиладиган товарларнинг божхона қиймати декларациясини тўлдириш бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1803, 2008 йил 5 май), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1803-1, 2015 йил 17 февраль).

**Адлия вазирининг 2019 йил 29 январдаги 52-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

